VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

19 (236) ● 2013 йил 22 май, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

«Зиёрат карвони» хайрия тадбирида миллий қадриятларни асраб-авайлаш, ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди



3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, улар сафини кенгайтириш ЎзМТДП дастурий мақсадларидан бири саналади



4 ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб навбатдаги XI халқаро турнир ўтказилди



8 КЎЗГУ

## Хабарлар

### Долзарб мавзуга бағишланди

**Миллий матбуот марказида "Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганишнинг долзарб масалалари" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихидаги кўплаб тарихий воқеа ва ҳодисалар янги методологик ёндашувлар асосида янгича талқин этила бошланди. Янги таълим стандартлари асосида дастур, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрланди. Кейинги йилларда ЎзРФА тарих институти томонидан Ўзбекистоннинг энг янги тарихини турли мавзу ва йўналишлари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Илмий анжуманлар, семинарлар ўтказилди. Андуманда тарих, халқаро муносабатлар назарияси, социология, антропология, энтология, фалсафа, иқтисодий назария ва бошқа бир қатор мавзуларга эътибор қаратилди.

### Музейларга эътибор кучаймокда

**Навоий вилояти тарих-ўлкашунослик музейида "Музейлар - тарих кўзгуси" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда адиб ва шоирлар, тарихчи олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, таълим муассасалари ўқувчилари иштирок этди.**

Ватанимиз ўтмишига оид тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилишда музейларнинг ўрни беқиёс. Тадбирда вилоят тарих-ўлкашунослик музейида янги ташкил этилган табиат бўлимининг юртимизда биохилма-хилликни асраш, табиатга бўлган эътиборни мустаҳкамлашдаги ўрни алоҳида қайд этилди. Музейларни ноёб экспонатлар билан бойитиш, уй-музейлари фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

### Янги китоб тақдимоти

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ҳамза тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида таниқли адиб ва журналист Иброҳим Раҳим хотирасига бағишланган китоб тақдимоти ўтказилди.**

Тадбирда пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги "Баҳор", "Нодира", "Тарнов боши" ва бошқа маҳалла вакиллари, Қува туманидан келган меҳмонлар, ёзувчи-шоирлар ва кенг жамоатчилик иштирок этди. Таниқли адабиёт намояндалари ёзувчининг ижоди, фаолияти, ибратли ҳаёт йўли, хотиралари ҳақида сўзлаб бердилар. Шундан сўнг, Иброҳим Раҳим хотирасига бағишлаб нашр этилган "Олов қалб адиб" ёднома китоби йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

## Ўқув-семинар



# Давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш

**жараёнида ЎзМТДП фаол иштирок этмоғи лозим**

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида "Давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор вазифалари" мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгашида ўтказилган семинар партия фаоллари учун мўлжалланганлиги билан аҳамиятли бўлди.*

Ўқув-семинарда маъруза қилган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов, жумладан, шундай деди:

— Бугун мамлакатимиз ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичига кўтарилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида сўзлаган **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"** деб номланган маърузаси жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ислоҳ этиш йўлида янги уфқларни белгилаб берди. Ушбу концепция тараққиётимизнинг янги истиқболларини белгиловчи том маънодаги тарихий аҳамиятга молик воқеа сифатида ҳаётимиздан ўрин олди.

2-бет

## ЎзМТДП дастури — амалда

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишни, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитишни, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдиришни, ушбу ғоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этишни ўзининг асосий мақсадлари деб билади.*

ЎзМТДП сайловолди Платформасидан

# Вобкентда тарих музейи ташкил қилинмоқда

**ЎзМТДП туман Кенгаши ва депутатлик гуруҳи ташаббуси ана шундай самара ва натижа берди**

*Халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, маънавий ҳамда миллий анъаналарини асраб-авайлаш, илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларни улғайиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш орқали ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик, қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади.*

ЎзМТДП Вобкент туман Кенгаши дастурий мақсадларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, "Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни асраш", "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ЎзМТДПнинг ўрни", "Глобаллашув ва оммавий маданиятнинг ёшлар онгига салбий таъсири" каби мавзуларда ўтказилаётган тарғибот тадбирлари фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, партия сафига жалб қилишга хизмат қилмоқда.

2-бет

## Фракция ҳаёти

# Партия дастурий мақсадлари

**ижросини таъминлашда ҳуқуқий асос бўладиган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди**

*Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида муҳокамага киритилаётган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Унда фракция аъзолари, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, экспертлар, ҳуқуқшунослар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*



Йиғилишда дастлаб «Гаров реестри тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатлар эътиборига ҳавола қилинди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Лойиҳанинг асосий мақсади кўчар мол-мулкдан таъминот сифатида фойдаланиш ва тижорат банклари томонидан таъминотга олинган мол-мулк асосида кредит борасидаги қалтисликларни камайтириш ҳисобига кичик бизнесни ривожлантириш учун кредитлар ажратишни янада кенгайтириш ҳамда кредитлаш жараёнини такомиллаштиришдан иборат. Унда ягона маълумотлар базаси кўринишидаги таъминотлар реестрини ташкил этиш, реестр сақловчиси, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, реестрда рўйхатга олинадиган таъминот турларини аниқлаш ҳамда активлар эгалари, шунингдек, кредиторларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам тартибга солинмоқда.

2-бет

## Ҳуқуқий эксперимент

*Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимизда қонун устуворлиги, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида инсон омили, унинг манфаатлари мужассам.*

# Қонун лойиҳаси синови

**фуқаролар сиёсий фаоллигини оширмоқда**

Бу жараёнлар, айниқса, Давлатимиз раҳбари томонидан парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган концепцияда баён этилган ташаббусларни рўёбга чиқариш амалиётида янада жадаллашди. Концепцияда Давлатимиз раҳбари "Давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш зарурати борлигини таъкидлаб ўтган эди.

5-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



**ЎзМТДП дастури — амалда**

# Вобкентда тарих музейи ташкил қилинмоқда

**ЎзМТДП туман Кенгаши ва депутатлик гуруҳи ташаббуси ана шундай самара ва натижа берди**

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

— Юртимизда кечаётган демократик ислоҳотлар жараёни депутатлик гуруҳлари зиммасига масъулиятли вазифалар юкламоқда, - дейди партия депутатлик гуруҳи раҳбари Нажмиддин Қиличов. — Шу боис партия туман Кенгаши билан ҳамкорликда ЎзМТДП дастурий вазифаларини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, сайловчиларнинг талаб ва истакларини ифода этувчи ташаббус-масалалар билан чиқиб, уларнинг ижобий ҳал этилишига эътибор қаратаяпмиз. Жумладан, депутатлик гуруҳимиз халқ депутатлари Вобкент туман Кенгаши сессиясига туман ҳудудида тарихий музей ташкил қилиш ташаббуси билан чиқди ва маъқулланиб, қарор қабул қилинди. Эндиликда ушбу қарорнинг ижроси юзасидан партия туман Кенгаши ходимлари ҳамда депутатлик гуруҳи аъзолари амалий саъй-ҳаракатларни олиб бормоқдалар. Тумандаги ёшлар ижодиёт маркази ёнидан музей учун бино ажратилиб, уни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Туман фаолларидан, маҳаллалардан турли кўринишдаги қадимий ашёлар йиғилиб, тарихий музейнинг экспонатлари, баннерлар тайёрланмоқда.

Дарҳақиқат, Вобкент Бухоро вилоятидаги ўзига хос тарихга эга бўлган туманлардан биридир. Тумандаги XII асрга тааллуқли бўлган Вобкент минораси, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолиқ Ғиждувоний сингари сиймолар қаторида турувчи Анжир Фағнавий мақбараси ва бошқа тарихий-маданий ёдгорликлар бу ерга ташриф буюрган меҳмонларни ўзига жалб этиб келади. Бундан ташқари мустақиллик йилларида қад ростлаган кўплаб иншоотлар, замонавий қиёфадаги таълим масканлари туманнинг кўркига кўрк қўшиб турибди. Ана шундай тарихий аҳамиятга эга ўзгариш ва янгиланишларни тарих музейига жамлаш ва шу орқали келажак авлодларимизга маданий мерос сифатида қолдиришда ЎзМТДП депутатлик гуруҳининг ташаббуси муҳим аҳамият касб этади.

***Тўймурод ЁҚУБОВ,***
***ЎзМТДП Вобкент туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:***

— Тарихий музей ташкил қилиш ташаббуси ижобий ҳал бўлаётгани туман аҳли учун қувончли воқеа бўлди. Чунки туманимиз ўтмиши ва бугунини, барча соҳалардаги ютуқлари, умуман, ҳаётини ўзида акс эттирадиган тарихий аҳамиятга молик масканнинг бунёд этилиши партия ғоявий мақсадларининг амалдаги ифодаси ўлароқ жамиятимизнинг маданий-маънавий тараққиётида муҳим ўрин тутади. Эндиликда партиямизнинг барча фаоллари, депутатлар ва тегишли идоралар билан ҳамкорликда музейни ташкил қилиш ишларига бел боғлаб ҳаракат қилаяпмиз. Хусусан, музейнинг экспонатлар базасини йиғишда маҳаллалар, туман фаоллари, нуронийлар билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз.

***Олим АСАДОВ,***
***халқ депутатлари Вобкент туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***

— Музейда тумандаги тарихий ёдгорликлар, маданий мерос объектлари, шунингдек, мустақиллик йилларидаги янгиланишларни акс эттиришни мақсад қилдик. Туманимизда ҳунармандчиликнинг кулолчилик, заргарлик, тикувчилик йўналишлари ривожланган бўлиб, унинг тараққиёт босқичларини алоҳида бўлим орқали намойиш қилишни режалаштираяпмиз. Бунда “Ҳунарманд” уюшмаси туман бўлими билан ҳамкорлигимиз қўл келиши шубҳасиз.

Туманимизда ташкил қилинадиган тарих музейи нафақат ҳудуд аҳолиси учун, балки четдан келган меҳмонлар учун ҳам янги саёҳат объекти сифатида хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

**Ўқув-семинар**

# Давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш

**жараёнида ЎзМТДП фаол иштирок этмоғи лозим**





**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Концепцияда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш каби олтита устувор йўналиш белгиланиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилгани диққатга сазовордир, - деди партия етакчиси.

— Барчамизга маълумки, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора кучайиб бормоқда. Ўтган йигирма бир йиллик мустақил тараққиёт йўлимизга назар соладиган бўлсак, истиқлол йилларида сиёсий партияларнинг ўз олдиларига қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишлари учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Асосий Қонунимиз - Конституцияга таянган ҳолда, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда бир қатор бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган янги қарорлар қабул қилиш зарурати ҳамда ислоҳотларнинг босқичма-босқичлик тамойилига мос ҳолда Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан 2007 йил «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилинди.

Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолияти тубдан ўзгарди. Шунингдек, сиёсий партиялар, жумладан, ЎзМТДП ҳам сиёсий тажриба орттириш, сиёсий етуклик ва молиявий мустақилликка эришиш ҳамда жамиятда ўз ўрнини топиш, ўзининг барқарор электоратини шакллантириш юзасидан маълум бир йўлни босиб ўтди.

Айтиш жоизки, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига бўладиган навбатдаги сайловларда муносиб иштирок этиш барча сиёсий партиялар қатори ЎзМТДП учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, барча даражадаги партия ташкилотларининг асосий фаолияти келгуси сайловда энг илғор бўлиш масаласига қаратилмоғи лозим, - деди пировардида партия раҳбари.

Ўқув-семинарда партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев “Миллий тикланиш ғояси: ЎзМТДПнинг дастурий мақсадлари” мавзусида маъруза қилиб, қуйидагиларга тўхталиб ўтди:

— ЎзМТДПнинг асосий дастурий, мафкуравий ва ғоявий мақсадлари ҳақида гапирганимизда, аввало, миллий анъаналарни ва қадриятларни сақлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, фан-техника тараққиётини ва Ўзбекистоннинг глобаллашиб бораётган жаҳонда муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, биз фахрланадиган миллий анъаналар ва қадриятларимизни сақлаб қолиш тарафдорлари бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш сингари вазифалар кўз олдимизда гавдаланади. Партия мустақиллик йилларида бошланган миллий қадриятларни асраб-авайлаш, ўзликни англаш, миллий ғояни шакллантириш ва миллий мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида ўзбекона анъаналарни тиклаш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириш тарафдоридир. Ушбу саъй-ҳаракатларни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, унинг самарадорлигини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш олдимизда турган долзарб вазифалардандир.

Глобаллашиб бораётган дунёда Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, минтақада ва мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, турли сиёсий-мафкуравий таҳдид ва хавфлардан одамлар онгини асраш, айниқса, ёшлар қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, тарихий мерос, миллий қадрият ва анъаналаримизни, миллий турмуш тарзимизни асраб-авайлаш сингари долзарб вазифалар олдимизда турганлигини партиямиз аъзолари чуқур англаган ҳолда фаолият кўрсатишмоқда. **Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги** — умуммиллий ғояси атрофида жамиятимизни бирлаштиришга асосланган Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини партиямиз етакчилари, фаоллари ва фидойилари ўзининг фаолият мезонига айлантирмоқда,- деди нотиқ.

Семинарда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Улуғбек Жалменов иштирокчиларни мамлакатимиз сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари билан таништирди. Нотиқ ўз маърузасида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.

Семинар иштирокчилари ЎзМТДП фракциясининг бир гуруҳ депутатлари томонидан тайёрланган, парламентда қабул қилиниб, мамлакат Президенти томонидан имзоланган “Сайлов эркинлигини бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида жорий этилган янги нормалар билан танишдилар.

Ўқув давомида захира кадрларнинг нотиқлик маҳоратини ошириш, унинг ўзига хос имиджини яратиш, жамоатчилик билан ишлаш, оммавий ахборот воситаларида таъсирчан чиқишлар қилиш каби кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган машғулотлар ўтказилди. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари”, “Сайловолди тарғиботи ва ташвиқотида сиёсий технологиялардан фойдаланиш”, “ЎзМТДП номзодларининг имиджини шакллантириш масалалари” каби долзарб мавзулардаги маърузалар семинар иштирокчиларининг бу борадаги билим ва кўникмаларини юксалтиришга хизмат қилди.

***Саломат ЭРЖОНОВА,***
***Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши ЎзМТДП депутатлик гуруҳи аъзоси, Урганч шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси:***

— Партия ғояси ва дастурий мақсадлари тарғиботи йўлида фаоллик кўрсатиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида депутатлик гуруҳимиз томонидан сайловчилар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Уларни қийнаётган муаммолар ўрганилиб, депутатлик назорати амалга оширилмоқда, сессиялар кун тартибига ташаббус масала киритиш орқали уларни ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда.

Бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бир қатор долзарб масалалар муҳокама қилинган бугунги ўқув-семинарда келгуси фаолиятим учун қимматли маълумотларга эга бўлдим. Тадбирда таъкидланганидек, бугунги сайловчи ҳар томонлама юксак салоҳият соҳиби, у етарлича фаол ва билимдон. Сайловчини қуруқ ваъдалар билан алдаб бўлмайди. Демак, биз навбатдаги сайловда партия сайловолди Платформасининг ҳар томонлама асосли бўлиши учун тайёргарликни бугундан бошлашимиз керак. Қолаверса, 2009 йилги сайловларда берган ваъдаларимизнинг тўлиқ уддасидан чиқишимиз, сайловчилар билан муносабатларимизни янада яхшилаш чораларини кўришимиз керак.

***Дилдора РАЗЗОҚОВА,***
***Халқ депутатлари Хива туман Кенгаши депутати, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман Кенгаши раиси:***

— ЎзМТДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлисдаги фракцияси томонидан депутатлар салоҳияти, сайловчилар олдидаги масъулиятини янада оширишга ундовчи бу каби ўқув-семинарларнинг ташкил этилиши фаолиятимиз самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, “Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари”, “Миллий тикланиш ғояси: ЎзМТДПнинг дастурий мақсадлари”, “Сайловолди тарғиботи ва ташвиқотида сиёсий технологиялардан фойдаланиш”, “ЎзМТДП номзодларининг имиджини шакллантириш масалалари” каби маърузаларни катта қизиқиш билан тингладим.

Ушбу семинарда ЎзМТДПдан сайланган депутатлар билан бирга захира кадрларнинг ҳам иштирок этгани янада аҳамиятли бўлди. Биз барча даражадаги депутатлар — “Миллий тикланиш” ғояси атрофида бирлашиб, юрт равнақига ҳисса қўшишдай улкан мақсадни биргаликда амалга оширяпмиз. Бугун депутатлар зиммасидаги масъулият ошган. Зеро, депутатнинг ўз вазифаларини қай даражада амалга оширишига қараб, сайловчилар партиямизга баҳо беришини ҳар доим ёдда тутишимиз керак.

***Дилбар БЕКЖОНОВА,***
***ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари:***

— Ушбу семинарда муҳокама қилинган масалалар нафақат депутатлар ёки захира кадрлар учун, балки партиянинг ҳар бир ходими, фаоли учун муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, ўтаётган вақт бизни бўлажак сайловларга тобора яқинлаштирмоқда. Ҳар бир кун, ҳар дақиқадан унумли фойдаланишимиз, барча саъй-ҳаракатларимизни сайловда ғалаба қозониш мақсадига қаратишимиз зарур. Бугун семинарда ким ЎзМТДПдан депутатликка номзод бўла олади, у қандай билим ва салоҳиятга эга бўлиши керак, сайлов жараёнида нималарга эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида кенг тушунчалар берилди. Номзодлар имиджи ҳақидаги фикр-мулоҳазалар барча партия ходимларига тааллуқли деб ҳисоблайман. Зиёлилар вакили сифатида ўз дунёқарашимиз ва фаоллигимиз билан барчага ибрат бўлишимиз керак.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

**Фракция ҳаёти**

# Партия дастурий мақсадлари

**ижросини таъминлашда ҳуқуқий асос бўладиган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди**

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Муҳокамада сўз олган фракция аъзолари қонун лойиҳаси демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, молиявий хизматлар бозорида мижозларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш ва рақобатни кенгайтириш, ўз навбатида, мамлакатимизда энг юқори халқаро стандартларга мувофиқ замонавий бозор инфратузилмаси шаклланишига қулай имкониятлар яратишини таъкидлашди. Шу нуқтаи назардан ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди Платформаси ва дастурий мақсадларида акс этган кичик бизнес субъектларига ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш ва янада соддалаштириш, уларнинг тадбиркорликнинг янада ривожланишини таъминловчи рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, миллий иқтисодиётда пухта ўйланган тизимли ўзгаришларни амалга ошириш, ҳуқуқий ва иқтисодий воситаларни янада такомиллаштириш орқали мамлакат ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш каби вазифаларни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлади. Ана шу каби фикр ва мулоҳазалар, таклифлардан сўнг фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқуллашди.

Фракция аъзолари янги таҳрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди.

Эътироф этилганидек, мазкур қонун лойиҳаси ҳам Президентимиз томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепция доирасида ишлаб чиқилган. Унинг мақсади амалдаги қонун нормаларини аниқлаштириш асосида республикада корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантириш, акциядорларнинг, жумладан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлигини мустаҳкамлаш, акциядорлик жамиятларининг бошқарув ва назорат органлари роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, акциядорлар ҳамда потенциал инвесторлар учун акциядорлик жамиятининг фаолияти тўғрисидаги ахборотлар ошкоралигини таъминлашдир.

—Қонун лойиҳасида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, устав фондини шакллантириш, қимматли қоғозларнинг бозор қийматини аниқлаш, жамиятнинг акцияларини оммавий таклиф этиш йўли билан жойлаштириш, Бошқарув органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, миноритар акциядорлар ҳамда инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларининг ҳуқуқий механизмлари аниқ белгиланмоқда, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев. — Шу билан бирга, акциядорлар ва потенциал инвесторларнинг акциядорлик жамиятининг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни олиш имкониятлари ҳам лойиҳада ўз аксини топган. Мазкур қонун лойиҳасининг ҳаётга жорий этилиши келгусида миллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рағбатлантириш асосида хориждан келтирилаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга хизмат қилади. Бу партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган мамлакат ишлаб чиқарувчиларини самарали қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга ошириш, юртимизда яратилган мақбул инвестиция муҳитининг ҳуқуқий асосларини кучайтириш ва инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш борасидаги вазифалар ижросини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиши шубҳасиз.

Фракция йиғилишида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, мазкур қонун лойиҳаси қонунчилик нормаларини мувофиқлаштириш, шунингдек, масъулияти чекланган жамиятлар таъсисчиларининг ўзгариши ҳисобини тартибга солиш, устав фондида давлат улуши бўлган масъулияти чекланган жамиятлар фаолияти мониторингини юритиш, уларнинг молия-хўжалик фаолияти шаффофлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Лойиҳада Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги, «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»-ги, «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши кўзда тутилмоқда.

Фракция аъзолари таъкидлашганидек, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Ўзбекистоннинг изчил ва барқарор иқтисодий тараққиётига эришиш, миллий тикланиш ва ривожланишнинг иқтисодий асосларини ривожлантириш, мамлакат салоҳиятини ошириш, жаҳон иқтисодий ҳамжамияти билан интеграциялашувни чуқурлаштириш, пировардида, истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзага келиши, халқаро майдонга «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» брендини олиб киришга кўмаклашиш каби дастурий мақсадларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Камолиддин ҲОТАМОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

### Аёллар қаноти



# “Зиёрат карвони” хайрия тадбири

## партия ғоя ва мақсадларининг амалий ифодаси бўлди

***Халқимизнинг миллий қадрият ва урф-одатларини улғайиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, юксак маънавиятли, комил инсонни тарбиялашга ҳар томонлама кўмаклашиш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ғоя ва мақсадлари сирасига киради.***

Ана шу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, аждодлар хотирасига ҳурмат кўрсатиш, бугунги дориломон кунларда қарилик гаштини сураётган отахон-онахонлар ҳолидан хабар олиш, уларга меҳр кўрсатиш борасида партия “Аёллар қаноти” томонидан маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими ва партия Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан “Хотира — тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш демакдир” мавзусида анъанавий “Зиёрат карвони” уюштирилди. Тадбирда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, “Аёллар қаноти” етакчилари, Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни кириш сўзи билан очган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Пўлат Юлдашев юртимизда инсон қадр-қиммати ҳар жиҳатдан юксак даражага кўтарилганини алоҳида таъкидлади.

—Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб инсон шаъни, қадр-қиммати ҳар нарсадан устун эканлиги ғояси илгари сурилиб, унинг муносиб турмуш кечириши учун имконият ва шарт-шароитлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Аждодларимизга эҳтиром кўрсатиш, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлганларни ёд этиш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ҳам умумий ғоялари сирасига киради, - деди нотиқ.

Тадбирга сўзга чиққанлар томонидан ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, уларни кўз қорачиғидек асраш борасида партия ҳудудий Кенгашларида олиб борилаётган амалий ишлар алоҳида эътироф этилди. Жумладан, мазкур тадбир халқимиз, айниқса, ёшларда мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталикнинг қадрига етиш, тарихдан хулоса чиқариб, тўғри йўл танлаш, ота-боболаримиз мардлиги ва жасоратидан ғурурланиш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ва уларга муносиб авлод бўлиб улғайишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Тадбир доирасида Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган нуроний отахонлар, онахонлар ва меҳнат фахрийларига партия ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари, ногиронлик аравачалари топширилди.

***Мавжуда РАЖАБОВА,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Ёшларда бугунги тинч ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, она Ватанга дахлдорлик туйғусини шакллантиришда қарилик гаштини сураётган отахон-онахонларнинг жонли суҳбати, уларнинг ҳаёт сабоғи муҳим ўрин тутади. Ўз қатъий ҳаётий позицияси ва мустақил фикрига эга, миллий истиқлол ғояси руҳида тарбияланган баркамол авлодни вояга етказишда бундай тадбирларнинг ўтказилиши юксак самара бериши шубҳасиз. Юртимизда қарор топган фаровон ва тинч-осойишта ҳаётни асраб-авайлаш, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод этиш, жамиятимиздаги меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш лозим. Бунинг учун, аввало, келажагимиз эгалари бўлган ёшларни бой тарихимизга, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизга, она тилимизга, аждодларимиз хотираси, халқимизнинг бебаҳо меросига ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

***Нина СОБАЛОВА,***
***меҳнат фахрийси:***

— Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, аҳоли, хусусан, биз қарияларни қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган амалий саъй-ҳаракатлардан қалбимиз фахрга тўлиб, ўзимизни бардам-бақувват ҳис этаяпмиз. Шодухуррамлик уфуриб турган онларда қувониб, истиқлолга шукрона қиламан. Бундай дориломон кунларнинг қадрига етиш, ўтганларни хотирлаш, тарихдан сабоқ олиб, келажакка олға қадам ташлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

**Акбар ЖИЯНОВ,**
**ЎзМТДП Ахборот хизмати ходими**

### Тарғибот

***Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Андижон вилоят ва Булоқбоши туман Кенгашлари ҳамкорлигида “Соғлом оила — соғлом жамият” мавзусида семинар ўтказилди. Унда партия Андижон вилоят Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, таълим муассасалари ходимлари, маҳалла фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.***

# Соғлом оила — соғлом жамият

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад “Обод турмуш йили” Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг “Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари” лойиҳаси асосида оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш, ёшларни ва ёш оилаларни никоҳ ва оила билан боғлиқ амалдаги қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари билан таништириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборат бўлди.

Семинарни ЎзМТДП Булоқбоши туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати А.Исақов кириш сўзи билан очди.

— Бугунги кунда сиёсий партияларнинг жамият ва давлат бошқарувида иштироки учун барча имкониятлар яратилган. Эътироф этиш жоизки, жорий “Обод турмуш йили” муносабати билан жамиятимиз пойдевори бўлган оила институтини мустаҳкамлаш, оилада тадбиркорликни ривожлантириш каби қатор вазифалар ижросини таъминлашга кўмаклашиш юзасидан партиямиз ўз олдига устувор вазифаларни қўйди. Бу борада белгиланган режа асосида фаолият олиб борилмоқда. Мазкур семинар ҳам ушбу йўналишдаги ишларимизнинг мантиқий давомидир,- деди нотиқ.

Семинарда маҳаллий партия ташкилотларида оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар ташкил этишнинг самарали усуллари, фуқаролик жамиятини шакллантиришда соғлом оиланинг ўрни, оила мустаҳкамлигини таъминлашда маҳалланинг роли ва таъсири каби долзарб масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Тадбир доирасида ЎзМТДП Булоқбоши туман Кенгаши фаоллари томонидан намойиш этилган “Миллий қадриятларнинг оила мустаҳкамлигидаги ўрни” мавзусидаги бадиий саҳна кўриниши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, тадбир давомида миллий кийимларимиз кўргазмаси ҳам ўтказилди.

Семинар сўнгида қатнашчилар фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, таклифлар олинди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Андижон вилоят Кенгаши томонидан фаол иштирок этган қатнашчиларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Хайрулло ВАСИЕВ,**
**ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши**
**Ижроия Қўмитаси матбуот котиби**

### Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Нодавлат ва жамоат ташкилотлари

## билан ҳамкорлик фаолиятимиз самарадорлигининг асосий омилига айланмоқда

***Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси дастури ҳамда сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларни кенг жамоатчилик орасида тарғиб-ташвиқ қилишда, аввало, бошланғич партия ташкилотлари фаоллигига таянади. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳудудлардаги жамоат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, партия сафларига ҳар томонлама етук ёшларни кўпроқ жалб қилиш ҳамда кенг жамоатчилик орасида ЎзМТДПнинг нуфузини мустаҳкамлашга қаратилмоқда.***

Партия Сурхондарё вилоят ҳамда Қумқўрғон туман Кенгашлари ҳамкорлигида ташкил этилган “Бошланғич партия ташкилотлари фаолият самарадорлигини ошириш” мавзусидаги ўқув-семинарда шу хусусда сўз борди. Семинарда ЎзМТДП Сурхондарё вилоят ҳамда Қумқўрғон туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, сиёсий билим ва кўникмаларини юксалтириш, жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантиришда партия қуйи бўғинларидан фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилади, - деди ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Н.Жўраева. — Шу боис БПТлар фаолиятини янада кучайтириш, аҳоли орасига кириб боришнинг замонавий сиёсий технологияларидан унумли фойдаланиш масалаларига бағишланган турли ўқув-семинар, давра суҳбати ва тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Бугунги семинар ҳам ана шундай мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўқув-семинарда жойларда турли жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларда бошланғич партия ташкилотлари ташкил этиш, партия хайрихоҳларини қуйи бўғинларга бирлаштириш, партия сафига ғоя ва мақсадларимизга ишонган фаол ва ташаббускор фуқароларни жалб этиш, аъзолар сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, партия дастурий мақсадлари, сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни тарғиб-ташвиқ қилишда вилоятдаги барча бошланғич партия ташкилотлари ҳам фаол иш олиб бораяпти, дейиш қийин. Фаолиятида оқсоқликка йўл қўяётган қуйи бўғинлар ишини кучайтириш, аҳолининг кенг қатламлари орасига кириб бориб, партиямиз ғояларини тарғиб қилиш орқали маслакдошларимиз сафини кенгайтириш партия ташкилотлари олдида турган муҳим масала ҳисобланади. Бошланғич партия ташкилотларининг турли йўналишдаги тадбирларини самарали режалаштириш учун электорат ҳамда жамоат фикри билан қизиқиш, кайфиятини ўрганиш методларини қўллаш айни муддао бўлади.

Семинарда илғор бошланғич партия ташкилотлари етакчилари сўзга чиқиб, иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар, муаммо ва камчиликларга эътибор қаратилди, қуйи бўғинлар иши самарадорлиги ва нуфузини ошириш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик ва алоқаларни янада кучайтириш ва хайрихоҳлар сафини кенгайтириш борасида таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини синовдан ўтказиш, уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида ўтказилган интерактив машғулотлар ўқув-семинарнинг аҳамиятини янада оширди.

***Алмат ЖОВЛИЕВ,***
***Қумқўрғон туман электр тармоқлари корхонасида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти етакчиси:***

— Бугунги ўқув-семинарда тақдим этилган маърузалар, аввало, фактларга бойлиги, фаолиятимиз таҳлилига бағишланганлиги билан барчамизда қизиқиш уйғотди, ўзаро тажриба алмашиш имкониятини яратди. Шунингдек, семинарда ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, жойларда партия электоратини ўйлантираётган муаммоларни аниқлаш ва уларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳларига етказиш, маҳаллий кенгашлар сессияларига киритиш учун депутатларга таклифлар бериш каби масалалар муҳокама қилинди.

**Шоҳида МАРС қизи,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

### Хроника

# Қадриятлар бешиги

## оилада камол топаётган ёш авлодни миллий анъаналар руҳида тарбиялаш ЎзМТДПнинг устувор вазифаларидан

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан оила институтини ривожлантириш, унинг қадриятларини асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Боиси ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантиришда оиланинг ўрни беқиёс. Мазкур жараёнда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам сайловолди Платформасида оила институти борасида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида турли тарғибот ишларини олиб бормоқда.

ЎзМТДП Элликқалъа туман Кенгаши томонидан ўтказилган “Оила мустаҳкамлиги — турмуш ободлиги” мавзусидаги давра суҳбатида ана шундай масалалар хусусида сўз юритилди. Унда партия туман Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, “Аёллар қаноти” ва бошланғич партия ташкилоти етакчилари ҳамда ёш оила вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, ЎзМТДП сайловолди Платформасида шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бориш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур дастурий вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудий кенгашларда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ЎзМТДПнинг кенг жамоатчилик орасидаги нуфузини оширмоқда.

Тадбирда партия туман Кенгашининг ёш оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган амалий саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ёш оила вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларни миллий ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка кенг жалб этиш мақсадида банк кредитларининг ажратилишига кўмаклашиш йўналишидаги фаолиятни жонлантириш лозимлиги таъкидланди.

Партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш йўлида хотин-қизлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш, ёш оила вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлашнинг янги усулларини излаб топиш юзасидан иштирокчилар томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎзМТДП Сергели туман Кенгаши ташаббуси билан “Мустаҳкам оила — мустаҳкам жамият пойдевори” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия Сергели туман Кенгаши аъзолари, “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” етакчилари, 300-сонли ихтисослаштирилган мактаб жамоаси иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши “Аёллар қаноти” етакчиси М.Поёнова истиқлол йилларида мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

— Ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан илдам бораётган мамлакатимизда оила, аёллар, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор вазифалари сирасига киритилди, - деди “Аёллар қаноти” етакчиси. — Зеро, оила тинч, мустаҳкам ва фаровон бўлсагина жамиятда барқарорлик ҳукм суради. Бу эса, ўз навбатида, маънавий муҳитнинг барқарорлашиши ҳамда ислоҳотлар муваффақияти учун замин яратади. ЎзМТДП томонидан ташкил этилаётган тадбирлар моҳияти ҳам жамиятда аёллар ва ёшлар фаоллигини ошириш, оилаларни қўллаб-қувватлаш, оилаларда маънавий муҳитнинг юксалишига ҳисса қўшиш каби мақсадларга қаратилган.

Тадбир якунида Сергели туманидаги 300-сонли ихтисослаштирилган мактабнинг бир гуруҳ ЎзМТДП ғоя ва мақсадларига хайрихоҳ ўқитувчиларига аъзолик гувоҳномалари топширилди.

### ЖИЗЗАХ

ЎзМТДП Мирзачўл туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан ўтказилган маънавий-маърифий тадбир “Миллий тикланиш — фуқаролик жамияти шакллантириш жараёнининг ажралмас қисми” деб номланди. Партия туман Кенгаши аъзолари, БПТ етакчилари, партия фаоллари, МФЙ вакиллари, ўқитувчи ва ўқувчи-ёшлар иштирок этган тадбир ЎзМТДП дастурий вазифаларининг устувор йўналишлари тарғиботини кучайтириш масаласига қаратилди.

— Партия Дастурида белгиланган ҳар бир йўналиш мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланишининг устувор жиҳатларини қамраб олган, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Бахтиёр Камолов. — Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим шарти одамларнинг сиёсий маданияти, демократик онги ва тафаккурини сифат жиҳатдан ўстиришдир. Тарғибот-ташвиқот ишларимиз ана шу мақсад йўлида хизмат қилмоғи лозим.

— Ёшларни қизиқишларига қараб турли тўгараклар, клубларга жалб этиш, мақсадли лойиҳалар асосида имкониятларини юзага чиқаришга кўмаклашиш партиянинг ёшлар сиёсати борасидаги устувор вазифаси саналади, - деди партия туман Кенгаши “Ёшлар қаноти” фаоли Шерали Ҳасанов. — “Ёш сиёсий билимдонлар” клуби аъзолари ўртасида ўтказилган “Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида” кўрик-танловининг маҳаллий босқичида иштирок этиш жараёнида шуни тушуниб етдимки, бундай тадбирлар биз ёшларнинг етакчилик маҳоратини ошириш, сиёсий билим, соғлом фикр ва дунёқарашни ўстириш, ташаббусларимизни қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу эса интилувчан, ўз истеъдодини намоён этишга иштиёқи баланд ёшлар учун айни муддаодир.

### БУХОРО

ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши ва Бухоро банк коллежи ҳамкорлигида “Ёшлар Ватанимиз таянчи ва суянчи” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия фаоллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси вакиллари, Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбатини партия шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари М.Қурбонова кириш сўзи билан очди. Нотиқ ўз сўзида истиқлол йилларида ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, бу борадаги ислоҳотлар ҳуқуқий асослар билан мустаҳкамлангани ҳақида тўхталиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ЎзМТДП дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёшларда ватанга муҳаббат, юртига содиқлик туйғуларини камол топтириш, мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, шунингдек, халқимизга хос меҳр-оқибат, бағрикенглик, миллатлараро тотувлик каби қадриятларимизни қадрлаш, уларни асраб-авайлаш каби юксак жиҳатларни тарбиялаш муҳимлигини эътироф этдилар.

Тадбирда “Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари”, “Ёшларни миллий қадрият ва анъаналар руҳида тарбиялаш — асосий вазифамиз”, “Ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш — ЎзМТДП эътиборида” каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

Қизғин баҳс-мунозаралар остида ўтган давра суҳбатида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Ш.МИРЗАЕВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Парламент ҳаёти

# Дастурий маҳсулотлар миллий бозорини ривожлантириш

## ЎзМТДП сайловолди Платформасида муҳим ўрин тутади

***Ҳозирги тезкор ва шиддаткор даврда ҳаётимизни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари сиз тасаввур этиш мушкул. Зеро, бугун дунёда жадал суръатлар билан кечаётган глобаллашув жараёнларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг кескин тараққий этиб бориши кузатилаётгани, илғор демократик давлатларнинг ушбу соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас.***

Дарҳақиқат, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини жадал суръатлар билан тараққий эттириш Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг бош йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки, бу йўналиш нафақат республикани ахборотлашган жамиятга айлантириш учун хизмат қилади, балки мамлакатимиз иқтисодиётини жадал суръатлар билан ривожлантиришда ўзига хос етакчи тармоқ - “локомотив” ролини ўйнайди.

Албатта, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида бўлгани каби ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўз навбатида, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб боришни ҳам тақозо этади.

Ўтган давр мобайнида соҳани янада ривожлантиришга қаратилган 11 та Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 та Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 40 дан ортиқ қарорлари ва 300 дан ортиқ идоравий қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари соҳа мутахассислари, экспертлар, ҳуқуқшунослар билан ҳамкорликда ахборот-коммуникация технологияларига оид қонунларни янада такомиллаштириш устида фаол иш олиб боришмоқда. Соҳага оид янги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан давом эттирилаётган саъй-ҳаракатлар жамиятни ахборотлаштиришга йўналтирилган фаолиятни қўллаб-қувватлаш, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг кўламда фойдаланишни рағбатлантириш, уларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа барча соҳаларда янада самарали қўлланилишига қаратилган ҳуқуқий имкониятларни яратиб беришга қаратилган. Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш мақсадида ахборот хизматларини кўрсатиш, электрон ҳужжат айланиши, ахборот ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, электрон ҳужжат айланиши, ахборот тизимларини яратиш ва уларнинг ўзаро ишлашини таъминлаш, ахборот хавфсизлиги, ахборотни муҳофаза қилиш ва бошқа йўналишлар бўйича стандартларни ишлаб чиқиш ҳам бугунги кундаги долзарб масалалардан саналади.

Қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва коммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантиришга доир қонунчилик базасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзуидаги давра суҳбати ҳам айнан ахборот-коммуникация соҳасининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишланди.

Ундан кўзланган мақсад - “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича нормалар ижросини таҳлил қилиш, ахборот технологиялари бозорининг асосий қисми бўлган дастурий таъминот индустриясини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг оптимал йўлларини муҳокама қилиш ва мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар индустриясини ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Маълумки, Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан юртимизда яқин истиқболда ахборотлаштириш жараёнларини ривожлантириш, жумладан, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги аниқ мақсадли йўналишлар белгилаб берилди.

Эътироф этиш керак, ҳозирги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари дастурий маҳсулотларнинг фаол истеъмолчиси ҳисобланади. Кейинги вақтда мамлакатимизда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналарнинг харажатлар сметаси ва бизнес режаларида ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, дастурий маҳсулотлар ҳамда интерфаол давлат хизматларини жорий этишга қаратилган харажатларни назарда тутиш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда. 2013 йилдан эътиборан мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг идоралараро интеграциялашган ахборот тизимларини жорий этиш, маълумотлар узатишнинг идоралараро тармоқларини яратиш, «Электрон ҳукумат» тизимини ҳамда Интернет тармоғининг миллий сегментини шакллантириш бўйича лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун давлат буюртмасини шакллантириш ва молиялаштириш борасидаги ишлар бошлаб юборилган.

Шу каби аниқ чора-тадбирлар дастурий маҳсулотлар индустриясининг миллий бозори кўламини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатиб, унинг илдам ривожланишини рағбатлантирмоқда. Натижада маҳаллий дастурий таъминот ишлаб чиқувчилар маҳсулотларининг кўлами йил сайин кенгайиб, хорижий дастурий маҳсулотлар билан рақобат қилишга қодир янги дастурий маҳсулотлар ишланмалари яратилмоқда.

Мазкур давра суҳбатида фаол иштирок этган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари мазкур мавзу доирасида партиямиз дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Жумладан, фракциямиз вакилларининг нуқтаи назарига кўра, партиямизнинг сайловолди Платформаси ва дастурида белгиланган миллатнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда сафарбар этиш вазифаларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар бозорини жаҳон андозалари даражасида тараққий эттириш учун, биринчи навбатда, соҳада малакали кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу борада дунёнинг ривожланган демократик давлатларидаги ихтисослашган таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини изчил йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш лозим.

Биз, айниқса, ёш авлодни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги билим, касб-кор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашнинг давлат ҳамда нодавлат тизимларини ривожлантиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш муҳим омил деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, партиямизнинг дастурий вазифаларига ҳамоҳанг равишда, мамлакатимизда инвестицион иқлимни яхшилаш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ва ривожлантиришга йўналтирилган ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни кенгайтириш, ахборот-коммуникация технологиларининг замонавий ютуқларидан оқилона фойдаланиш ва уни жаҳон тизимига интеграциялаш чора-тадбирларини фаол амалга ошириш билан бир қаторда, дастурий таъминот ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи миллий компанияларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор мақсадларимиз сирасига киради. Хусусан, биз миллий ишлаб чиқарувчи субъектларни қўшимча равишда рағбатлантириш асосида хориждан келтирилаётган дастурий маҳсулотлар ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали уларни самарали қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга ошириш борасида бор куч ва имкониятларимизни ишга соламиз.

Барча соҳаларда бўлгани каби, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мамлакатимизда яратилган мақбул инвестиция муҳитининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини кучайтириш, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларни янада такомиллаштириш орқали мамлакат ишлаб чиқарувчилари ва инвесторларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни мустаҳкамлаш фракциямиз аъзоларининг пировард мақсадидир. Зеро, Ўзбекистон аҳолисининг тарихий-маданий анъаналаримизга, халқимизнинг бой маънавий меросига таянадиган таълим ва маданияти даражаси ўта юқори. Қолаверса, ушбу омил ўзида инсоният замонавий тамаддунининг энг яхши ютуқларини мужассамлаштирган. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, мазкур соҳанинг таркибий қисми ҳисобланган дастурий маҳсулотлар тармоғини ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқиш ва юксак ютуқларга эришиш имкониятини яратади.

**Фракциямиз вакилларининг нуқтаи назарига кўра, партиямизнинг сайловолди Платформаси ва дастурида белгиланган миллатнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда сафарбар этиш вазифаларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар бозорини жаҳон андозалари даражасида тараққий эттириш учун, биринчи навбатда, соҳада малакали кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур.**

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалар асосида давра суҳбати якунида фракциямиз аъзолари дастурий маҳсулотларни яратиш, тарқатиш ва жорий этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, миллий дастурий маҳсулотлар индустриясини ривожлантириш ва унинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида қулай иқтисодий муҳитни яратиш учун қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор амалий таклиф ва тавсияларини баён этишди.

Албатта, мазкур соҳага оид қонунларга бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фракциямиз аъзолари фаол саъй-ҳаракатларни изчил ва тизимли равишда давом эттираверадилар.

**Шухрат ДЕҲҚОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси**

Фаолият



(ЎзА) олган сурат.

# Электорат манфаати

## уни таъминлаш партия дастурий мақсад-вазифаларининг асосий омилидир

***Мустақилликнинг ўтган қисқа даврида мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида салмоқли қадамлар ташланди. Мазкур жараёнда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда роли тобора ортиб бормоқда. Юртимизда кечаётган ана шундай кенг кўламли ишларда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам ўз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий тикланиш ғоясини кенг омма, жумладан, партиямиз электорати ҳаётининг ажралмас қисмига айлантириш, миллий қадриятлар, халқ анъаналарини сақлашга кўмаклашиб келмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тақдим этган «**Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» д**емократик янгиланиш ва модернизация жараёнларини янги босқичга кўтарган, дунёда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замонда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишнинг узоқ муддатга мўлжалланган миллий стратегияси сифатида ҳаётимиздан ўрин олди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ўз фаолиятларини Концепция, партия Дастури ҳамда сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратиб келмоқдалар.

Жорий йилнинг ўтган даврида партиянинг барча даражадаги ташкилотлари томонидан партиямизнинг дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда партия ғояси ва мафкурасини кенг тарғиб қилиш, парламент томонидан қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига, партия аъзоларига етказиш, Президентимиз асарларини чуқур ўрганиш, фуқаролар онгида тарихий ўтмиш ва ҳозирги кундан фахрланиш туйғусини шакллантириш, мамлакатимизнинг порлоқ келажагини таъминлаш ҳамда “Обод турмуш йили”га бағишланган 3300 га яқин турли тадбир, илмий-амалий анжуман, кўрик танловлар, ўқув-семинар ва давра суҳбатлари ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Тарғибот тадбирларида 310 минг нафардан ортиқ партия фаоллари, хайрихоҳлари ва юртдошларимиз иштирок этдилар.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, жорий йилдаги партиявий тадбирлар ўтган йилдагига нисбатан формати, аудиторияси, кўтарилаётган муаммо ва масалалар ҳамда сони жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Партия сафига 40 мингга яқин янги аъзо бирлашган, бир минг бир юздан зиёд янги БПТ ташкил этилди. Партиянинг барча йўналишларда олиб борилаётган амалий ишлари ОАВларда ўтган йилга нисбатан 800 тага кўп ёритилгани партия аъзолари ва хайрихоҳларининг партия ҳаётидан атрофлича бохабар бўлиб боришларини таъминламоқда. Рақамлар партия фаолиятининг йилдан-йилга такомиллашиб бораётганидан далолатдир. Албатта, партиямиз олдида ҳали ўз ечимини кутаётган бир қатор масалалар бор. Партия электоратини ҳали-ҳануз ўйлантириб келаётган муаммолар мавжуд. Бу ҳар бир партия аъзосидан янада фаоллик ва ташаббускорликни талаб этади.

Партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга оширишда партия Андижон, Навоий, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ташкилотлари фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. ЎзМТДП Жиззах, Наманган ва Сирдарё вилоятлари Кенгашлари фаолиятида сусткашликка йўл қўйилаётгани мазкур ҳудудларда партия Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган айрим вазифалар ҳали ҳамон ўз ечимини кутаётгани, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишлар тўлиқ қамраб олинмаётганига сабаб бўлмоқда.

Келгусида партия олдида турган долзарб вазифаларни талаб даражасида амалга оширишда партия тизимидаги кадрлар ҳамда партия аъзоларининг билим-салоҳияти биринчи ўринда туради. Шу боис, ўтган давр мобайнида кўпроқ партия кадрлари, депутатлар ва бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирокида ўқув семинарлар ташкил этилди. Семинарларда Юртбошимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” ва “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарлари, “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”, партия Дастури ва сайловолди Платформаси тарғиботига қаратилган маъруза, тренинг ҳамда интерфаол машғулотлар иштирокчиларнинг сиёсий билимлари, партиявий иш услубларининг янада ортишига хизмат қилди. Шунингдек, “Миллий маънавиятимиз ривожида Алишер Навоий меросининг аҳамияти”, “Ўзбек адабиёти ва маданий мероси ривожида Бобур ижодининг аҳамияти”, “Наврўз — миллий анъана ва қадриятларимиз кўзгуси” каби мавзулардаги тадбирлар ўтмишдаги алломаларимиз меросини ўрганиш ҳамда ундаги ютуқлардан замонамиз фан-техника тараққиётига татбиқ этиш, ёшларни буюк аждодларимизнинг бой бадиий-илмий меросини асраб-авайлаш, уни чуқур ўрганиш, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

“Миллий тикланиш ғояси — миллий тараққиёт таянчи ва асосидир” шиори остида ўтказилаётган қатор тадбирлар ЎзМТДП ғояларининг кенг омма орасига кириб бориши, аъзолар ва хайрихоҳлар сафи кенгайишига хизмат қилмоқда.

Эътироф этиш жоизки, мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг билимдон, замонавий мутахассис, малакали касб эгалари бўлишлари ҳамда соғлом, мустаҳкам оила қуришлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, жамиятда сиёсий, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва тараққиёти аёлларга, оилага бўлган муносабат ва эътибор билан боғлиқ.

Маълумки, хотин-қизларнинг мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, миллий қадрият, урф-одат, анъаналаримизни тиклаш ва ривожлантириш жараёнларида тўлақонли иштирокини таъминлаш ЎзМТДПнинг устувор мақсадлари сирасига киради. Бу борада жорий йилда партия “Аёллар қаноти” томонидан марказда ва жойларда 900 дан ортиқ қатор тадбир, фестивал ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилди. Жумладан, Сурхондарёда “Миллий ўйинлар-барҳаётдир!” шиори остида миллий халқ ўйинлари фестивали, Андижонда “Кашта тиккан бегойимлар” кўргазма-танлови, Самарқандда “Келинни келганда кўринг” мавзусида келин саломлар фестивали, Хоразмда “Истиқлол, Наврўз ва миллий қадриятлар!” мавзусида қадриятлар фестивали, Навоийда “Қадриятлар этади давом”, Тошкент вилоятида “Қадриятлар қадр топган юрт!” шиори остида ўтказилган қатор тадбирларда хотин-қизларни оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликка кенг жалб этиш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳақида сўз борди.

Партия “Ёшлар қаноти” ЎзМТДП дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёш авлодни маънан ва жисмонан етук, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашга кўмаклашиб келмоқда. Шунингдек, партия Марказий Кенгаши ўқув-услубий ва ахборот-таҳлил масалалари бўлими ташаббуси билан ташкил этилаётган қатор ўқув-семинарлар партиявий дастур ва мақсадларни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий партияларнинг мақсад ва ғоясини кенг омма ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилишда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан ўтган даврда партиянинг жамоатчилик билан алоқалар ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш йўналишидаги ишларни янги босқичга кўтариш, партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг ОАВлардаги чиқишлари сифати ва ҳажмини орттириш мақсадида ўқув-семинар, давра суҳбати ва учрашувлар ташкил қилинди. Жумладан, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан “ЎзМТДП марказий ва ҳудудий ташкилотлари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни” мавзусида ташкил этилган ўқув-семинарда ҳудудий партия ташкилотларининг оммавий ахборот воситалари билан ишлаш фаолиятини тубдан кучайтириш, эълон қилинаётган материаллар савиясини ошириш, партия фаолиятини кенг қамровда ёритиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Барчамизга маълумки, бугун мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар келгуси йилда давлат вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловга жиддий тайёргарлик палласида турибди. Мақсад аниқ — давлат вакиллик органларида партиянинг энг кўп ўрин олишига эришиш. Бу борада партиянинг қуйи ташкилотларидан тортиб, Марказий Кенгаш даражасигача депутатликка заҳирага олинган номзодлар билан ишлаш бошлаб юборилди. Хусусан, Хоразм вилоят Кенгашида партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида “Давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг устувор вазифалари” мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

**Семинарларда Юртбошимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” ва “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарлари, “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”, партия Дастури ва сайловолди Платформаси тарғиботига қаратилган маъруза, тренинг ҳамда интерфаол машғулотлар иштирокчиларнинг сиёсий билимлари, партиявий иш услубларининг янада ортишига хизмат қилди.**

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишга интилмоқда.

**Пўлат БОБОЁРОВ,**
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари**

## 22 май — Халқаро биологик хилма-хилликни асраш куни

***Партия Ўзбекистон табиатига, бой табиий ресурсларига нисбатан асраб-авайлаб муносабатда бўлишни, улардан ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатлари йўлида оқилона фойдаланилишини таъминлаш, экологик хавфсизликни, айниқса, миллатнинг соғлиғи ва генофондини ҳимоя қилиш мақсадларида, хусусан, Оролбўйида, шунингдек, экологик ва табиий фалокатларга дучор бўлиши мумкин бўлган зоналарда яшовчиларнинг соғлиғи ва генофондини ҳимоя қилиш мақсадларида экологик хавфсизликни таъминлашга кўмаклашиш тарафдоридир***

**ЎзМТДП сайловолди Платформасидан**

# Экологик хавфсизлик

### уни таъминлашга кўмаклашиш — ЎзМТДП эътиборида

***Биологик хилма-хилликни асраш ва ундан барқарор фойдаланиш, айниқса, сайёрамизнинг кўпайиб бораётган аҳолиси эҳтиёжларини қондиришда ўта муҳимдир. Масалан, Ернинг биологик хилма-хиллиги экологик, генетик, ижтимоий, иқтисодий, илмий, маърифий ва эстетик жиҳатларга кўра биосфера эволюцияси ва ҳаёт фаолиятини асрашда муҳим аҳамият касб этади.***

Инсоннинг табиатда содир бўладиган табиий жараёнларга аралашуви атроф-муҳитнинг оғир ва ўнглаб бўлмас оқибатларни келтириб чиқарувчи ўзгаришлари билан маълум даражада боғлиқ. БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича 1992 йил июнь ойида Рио-де-Жанейрода ўтказилган Конференцияси халқаро ҳамжамиятнинг биологик ресурсларни сақлаш ва барқарор ривожланишни таъминлаш масалаларини ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришда улкан воқелик ва муҳим қадам бўлди. Ушбу конференцияда барча давлатлар томонидан ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, бугунги ва келажак авлод учун асраш бўйича чоралар кўришга қаратилган "Биологик хилма-хиллик тўғрисида"ги Конвенция қабул қилинди.

Халқаро ҳамжамиятнинг хабардорлигини ошириш ва биологик хилма-хилликни сақлашнинг аҳамиятини чуқур тушуниш мақсадида 2007 йилда БМТ Бош Ассамблеясида 22 май - "Халқаро биологик хилма-хилликни асраш куни", деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш масалалари ва барқарор ривожланиш учун биологик хилма-хиллик ресурсларини сақлашнинг аҳамиятига катта эътибор қаратган ҳолда "Биологик хилма-хиллик тўғрисида"ги, "Йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисида"ги, "Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Асосан сувда сузувчи қушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари тўғрисида"ги халқаро конвенциялар, шунингдек, ушбу соҳадаги бир қатор давлатлараро битимларга қўшилган.

Мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш даврида "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги қонунлар қабул қилиниб, флора ва фаунани муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш ва такрор етиштириш, биологик хилма-хиллик генофондини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослар шакллантирилди.

1998 йилда ҳукумат томонидан Ўзбекистон Республикасида Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режасининг тасдиқланиши "Биологик хилма-хиллик тўғрисида"ги Конвенция доирасида олган мажбуриятларини бажариш, шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик ижросини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Бу стратегиянинг асосий вазифаларидан бири мамлакат умумий майдонининг 10 фоизгача қисмини қамраб олувчи муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барқарор тизимини ташкил қилиш ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамизда 9 та давлат қўриқхонаси, 2 та миллий боғ, 10 та давлат буюртмахонаси, 6 та табиат ёдгорлиги фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон флораси 4600 га яқин ўсимлик, фаунаси эса сутэмизувчиларнинг 97, қушларнинг 424, рептилияларнинг 58 ва балиқларнинг 83 туридан иборат бўлиб, бу флора ва фаунанинг турлари ва ўзига хос таркибидан далолат беради. Ўзбекистонда ўрмон фонди майдони 9,625 млн. гектар атрофида бўлиб, улардан 3,3 млн. гектари ўрмон билан қопланган. 7,5 фоиз майдон - ўрмонзор ҳамда 5,8 фоиз майдон муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Угам-Чотқол миллий боғи ва Чотқол биосфера қўриқхонаси фаолият кўрсатаётганига 60 йилдан ошди. Угам-Чотқол миллий боғи 1993 йилда ЮНЕСКО томонидан миллий боғлар Халқаро рўйхатига киритилган. Ноёб ҳайвон турларини кўпайтириш бўйича питомниклар ташкил этиш табиатни муҳофаза қилиш ва биохилма-хилликни сақлашнинг энг самарали усулларидан бири эканлигини инобатга олган ҳолда, ҳозирда ноёб ҳайвон турларини кўпайтириш бўйича битта республика маркази - «Жайрон» экомаркази ҳамда йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган қуш тури - йўрға-тувалоқни кўпайтириш бўйича иккита питомник расман фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг биологик ресурсларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги халқаро конвенция ва келишувларга қўшилиши грант асосида ташқи инвестицияларнинг молиявий маблағларини жалб қилиш имконини яратди. Ушбу халқаро шартномалар доирасида республикада Чотқол биосфера қўриқхонаси ва Угам-Чотқол миллий боғи инфратузилмасини яхшилашга йўналтирилган "Ғарбий Тянь-Шаннинг биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш бўйича трансчегаравий лойиҳа" амалга оширилди. ГЭФ ва БМТТД билан ҳамкорликда "Ўзбекистонда биохилма-хилликни сақлаб қолиш учун модел сифатида Нурота-Қизилкум биосфера қўриқхонасини ташкил этиш", "Қорақалпоғистондаги Амударё соҳилбўйида тўқай ўрмонларини сақлаб қолиш ва муҳофаза этиладиган ҳудудлар тизимларини мустаҳкамлаш", "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар миллий тизими барқарорлигини эътиборни қўриқхоналарга йўналтириш орқали мустаҳкамлаш" каби бир қатор бошқа лойиҳалар амалга оширилди.

Мамлакатимизда Тузкон (Айдар-Арнасой кўллар тизими, Жиззах вилояти), Денгизкўл ва Қоракаир (Бухоро вилояти), Акушпа (Қорақалпоғистон Республикасидаги Судочий кўллар тизими) кўлларида орнитологик буюртмахоналар, шунингдек, Самарқанд, Қашқадарё ва Навоий вилоятларининг чўл ҳудудларида буюртмахоналар ташкил этилди. Ушбу буюртмахоналар сувда сузувчи ва бошқа қушлар ҳамда ҳайвонларнинг (масалан, йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган қуш тури - йўрға-тувалоқ (дрофа-красотка), Устюрт платосида оққуйруқ (сайгак)нинг кўчиб юрувчи популяцияси ва бошқалар) кўчиб юриш, кўпайиш ва қишлаш жойларини муҳофаза қилиш мақсадида фаолият кўрсатмоқда.

Кўпгина сувда сузувчи қушларнинг миграция оқими мамлакатимиз ҳудудидан ўтади, шу боис уларнинг яшаш жойини муҳофаза қилиш, ветландларнинг табиий имкониятини сақлаш муҳим аҳамият касб этади. Умуман, республикамиз сув-ботқоқ жойлари майдони бир миллион гектар атрофида бўлиб, 500 дан ортиқ кўллар мавжуд. Бу жойларда ўзининг сув-ботқоқ шароитига мослашган ўсимлик дунёси, шу жумладан, қуш ва балиқлар ҳамда Ўзбекистон "Қизил китоби"ги кирган ҳайвон турларини ўз ичига олувчи ҳайвонот дунёси мавжуд.

Республиканинг сув-ботқоқ жойлари биохилма-хиллигини сақлаш мақсадида "Асосан сувда сузувчи қушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлари тўғрисида"ги Конвенция тамойилларини бажариш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Тайёрланган материаллар асосида Денгизкўл ва Айдар-Арнасой кўллар тизими халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлар Рамсар рўйхатига киритилди. Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш халқаро фонди (WWF) билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикасидаги Судочье кўли биохилма-хиллигини муҳофаза қилиш ва мониторинги бўйича лойиҳа амалга оширилди. Ҳозирги кунда Судочье кўлини, Амударёнинг Термиз ҳудудидаги қисми ва Аччиккўлни халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ жойлар рўйхатига киритиш учун асослар тайёрланди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ғояларни рўёбга чиқариш мақсадида фракциямиз аъзолари иштирокида бир қатор янги қонун лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда. Жумладан, "Экологик назорат тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги (янги таҳрир), "Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги (янги таҳрир) қонун лойиҳалари тайёрланмоқда. Мазкур қонун лойиҳалари атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнини белгилаш, жамоатчилик назорати институтини шакллантириш, табиатдан фойдаланишда иқтисодий механизмларни жорий этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда табиий ресурслардан, шу жумладан, биологик хилма-хилликдан самарали фойдаланишга йўналтирилган.

Мамлакатимизда кенг кўламли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий янгиланиш ва бунёдкорлик ислоҳотларининг изчил амалга оширилиши ҳамда бу жараёнларга фуқаролик жамияти институтларининг кенг жалб қилиниши ҳар бир фуқаронинг қулай ва табиий атроф-муҳит шароитида яшаш ҳуқуқи, келгуси авлодларга зиён етказмаган ҳолда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган. Бу жараёнларга фракциямиз аъзолари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўз ҳиссасини қўшишга интилмоқда.

**Жуманазар ОТАЖОНОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

---

**Конференция**

# Чет тилларни ўқитиш

### янада такомиллашади

***Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар таълим тизимини жаҳон илм-фани андозаларига мослаштириш, ўқув жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг эълон қилиниши таълим тизимининг ҳамма босқичларида фаолият юритаётган ходимлар олдига улкан ва масъулиятли вазифаларни қўйди.***



Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари қарорида замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларини ўргатиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш лозимлиги белгиланган. Бунинг негизида уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсади мужассам.

Ана шу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд давлат чет тиллар институтида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда "Ижтимоий ва мутахассислик фанларини чет тилда ўқитиш: миллий ва хорижий тажриба" мавзуида Республика илмий-услубий конференцияси бўлиб ўтди. Йиғилишда мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртларидан келган чет тили мутахассислари иштирок этиб, хорижий тилларни ўқитишнинг бугунги кундаги аҳволи ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиришди.

— Мамлакатимизда ёш авлоднинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом, шу билан бирга уларнинг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган баркамол авлод бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратилмоқда, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор Шуҳрат Сирожиддинов. — Зеро, илму фан ва маданиятга алоҳида эътибор қаратилган жамиятда тараққиёт ва фаровонликка эришилади, халқнинг маънавияти юксак даражага кўтарилади. Айтиш жоизки, институтимизнинг салоҳиятли ўқитувчилари таркибидан ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, янги талаблар асосида ДТС, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, уларнинг узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш, баҳолаш тизимини халқаро стандартлар (CEFR)га яқинлаштириш юзасидан иш олиб бормоқдалар. Бундан ташқари халқ таълими вазирлиги ишчи гуруҳи таркибида 6 нафар ўқитувчимиз ўрта умумий таълим мактаблари учун инглиз тилини янги усуллар орқали ўрганиш методикасига асосланган дарсликлар ёзиш, 17 нафар ўқитувчимиз ўрта-махсус касб-ҳунар таълими маркази ишчи гуруҳлари таркибида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун янги баҳолаш тизимининг А2, А2-В1 даражаларига мувофиқлаштирилган янги ўқув адабиётларини яратиш устида ишламоқдалар.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев сўзга чиқди:

— Маълумки, жаҳон тамаддунидан муносиб ўрин эгаллаш ва алоқага киришиш учун тил асосий восита ҳисобланади. Хорижий тилни эгаллаш эл билиш, дунё маънавий хазинасидан баҳраманд бўлиш, ўзга элатлар ижтимоий ҳаётини англаш, қолаверса, ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган маънавий қадриятлари, аждодларимиз маънавий меросидан жаҳон халқларини баҳраманд этишга кенг йўл очади. Шу боис истиқлол йилларида таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўрни келганда айтиш жоизки, партиямизнинг сайловолди Платформасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, тил, нутқ маданиятини оширишга кўмаклашиш асосий мақсад ва вазифалар сифатида белгиланган. Шунингдек, ёшлар ва аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасида саъй-ҳаракатлар олиб бориш ва амалга оширишга катта эътибор қаратилган. Ушбу тадбир бу борадаги ишларимизнинг мантиқий давомидир, - деди нотиқ.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшлар учун кенг имконият ва шароитлар муҳайё этилган. Улар бундай эътибор ва имкониятлардан унумли фойдаланишга, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган етук мутахассис кадр бўлиб етишишга ҳаракат қилишлари лозим. Ҳар бир халқ ўз тилини янада ривожлантиришга интилади. Тил миллатни шакллантиради, маънавиятни юксалтиради. Бу борада Самарқанд давлат чет тиллар институтида хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатиш бўйича эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

— Бугунги давр талабидан келиб чиққан ҳолда республикамиз таълим тизимининг барча босқичларида ўқитишнинг янги, замонавий усул ва воситаларидан, шунингдек, жаҳон илм-фани тажрибасидан самарали фойдаланилмоқда,- деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдуғофур Маматов. — Шу билан бирга, ижтимоий ва мутахассислик фанларини чет тилда ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чет тилларни билиш халқимизнинг илмий-тарихий мероси ва эришилган ютуқларни, мамлакат миллий манфаатларини, миллий тарих ҳамда халқ анъаналаримизни бутун дунёга кенг тарғиб қилишга имкон яратади. Бу эса Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий вазифаларидан биридир.

Конференцияда тингланган маърузаларда хорижий тилларнинг таълим тизимининг турли босқичларида ўқитилиши билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

---

**Ҳуқуқий эксперимент**

# Қонун лойиҳаси синови

### фуқаролар сиёсий фаоллигини оширмоқда

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий экспериментни ўтказиш жараёнлари бу борада янги босқични бошлаб берди. Айни пайтда қонун лойиҳаси синовини ҳуқуқий экспериментдан ўтказиш Самарқанд ва Бухоро вилоятларида изчиллик билан давом этмоқда.

Эътироф этиш жоизки, ахборот соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлари, манфаатларига дахлдор бўлган қарорлар тўғрисида аҳолини хабардор этишда оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш мақсадида ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент, ўз навбатида, соҳа вакиллари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Айни пайтда Самарқанд вилоятида ҳам қонун лойиҳаси синови доирасида кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мазмун-моҳиятига таянилаётгани, ҳуқуқий эксперимент миллий қонун ижодкорлиги жараёнини янада демократлаштиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланмоқда.

Бу борадаги вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари вакиллари олдида турган вазифалар хусусида Самарқанд вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари Манноб Ибодуллаев шундай дейди:

— Қонун лойиҳаси бўйича ҳуқуқий эксперимент вилоятдаги 74 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи ҳамда 16 та шаҳар ва туман ҳокимликларида олиб борилмоқда. Лойиҳада сўз ва ахборот эркинлиги, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлигини таъминлаш, давлат органлари томонидан ҳал қилинаётган, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қарорлар тўғрисида аҳолини хабардор этишда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ҳам белгилаб қўйилган. Зеро, ахборот эркинлигини таъминлаш орқали давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида очиқлик, ошкоралик таъминланади. Шу нуқтаи назардан ўтказилаётган йиғилишларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсатининг шаффофлиги, очиқлигини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси қоидаларига амалий ишлов бериш, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтларининг аҳолини давлат органларининг муҳим социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларини ҳал этиш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш соҳасидаги вазифаларни амалга ошириш борасидаги иши тўғрисида алоҳида таъкидланмоқда.

***Саидрасул ОСТОНОВ, Самарқанд вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси масъул ходими:***

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғриси"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида"ги Фармойишига кўра, ҳуқуқий эксперимент Самарқанд ва Бухоро вилоятлари давлат ҳокимияти органлари негизида ўтказилмоқда. Ҳуқуқий экспериментнинг асосий субъекти ҳисобланган Самарқанд вилоятида ҳам бу жараён авжида. Хусусан, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасида ҳам қонун лойиҳаси синови бўйича алоҳида ишчи гуруҳи тузилган. Мазкур гуруҳ томонидан турли тадбирлар, тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Айтиш мумкинки, ҳуқуқий эксперимент вилоят жамоатчилиги эътиборини муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларига қаратиб, фуқаролар сиёсий фаоллигини оширмоқда.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

---

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши "Аёллар қаноти" 2013 йил — Обод турмуш йилига бағишлаб Республикамиз хотин-қизлари ўртасида **"Обод турмуш — саодат ва фаровонлик тимсоли"** шиори остида мақолалар танловини эълон қилади.

Танловнинг асосий мақсади мамлакатимизда обод турмуш тарзини, жамиятда инсон қадри, унда шаклланувчи олижаноб фазилатларни тарғиб қилиш орқали миллий тикланиш ғояларини омма онгига сингдириш, мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг миллий-маънавий қадриятларининг ҳар жиҳатдан ривожланиши учун яратилган шарт-шароитларни кенг ёритиш, маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш, ёш ва эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳалла ва уй-жой мавзеларининг ташқи қиёфасини сифат жиҳатидан янгилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда уларнинг роли ва аҳамиятини ошириш жараёнига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

**ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:**

1. Танловда ЎзМТДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, туман ва шаҳар Кенгашларининг 16-45 ёшгача бўлган фаол хотин-қизлари иштирок этиши мумкин.

2. Тақдим этиладиган мақолаларга қўйиладиган талаблар:

- Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилаларни янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ролини ошириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, иш билан бандлигини таъминлаш ҳамда аёлларнинг иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларнинг ўз иқтидорини намоён қилиши ва уй-рўзғордаги ишларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитлар яратиш борасида олиб бораётган ишларни кенг ёритиш;

- Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг бир оиладек яшаши, фаровон ҳаётни яратишдек умуммиллий ғоя атрофида жипслашиб фаолият олиб бораётганликлари борасидаги фикр-мулоҳазалар акс эттирилиши лозим.

**ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ:**

Танловга тақдим этилган мақолалар ЎзМТДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашлари Ижроия Қўмитаси девонида сараланади ва улар Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси девони хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлимига жўнатилади.

Тақдим этилган мақолалар соҳа мутахассислари ва фан арбобларидан иборат ташкилий гуруҳ томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Танлов ғолиблари ва иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган байрам тадбирида тантанали равишда тақдирланадилар.

Тақдим этиладиган мақолалар (асл ва электрон нусхалари) "**Обод турмуш — саодат ва фаровонлик тимсоли"** танловига деган қайд билан **жорий йилнинг 15 июнига** қадар ЎзМТДП вилоят Кенгашларига, **2013 йилнинг 1 августига** қадар Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси девони хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлимига танлов учун махсус ташкил этилган электрон почта (ayollarqanoti@mail.ru)га жўнатилиши шарт.

**ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ:**

- Ғолиблар ҳақидаги маълумотлар "Миллий тикланиш"газетасида кенг ёритилади ва уларнинг мақолалари "Миллий тикланиш" газетасида **"Обод турмуш — саодат ва фаровонлик тимсоли"** рукни остида чоп этилади.

- Ғолиблар ташкилотчилар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрлиқ ва дипломлар билан тақдирланади.

**Ташкилий гуруҳ**

Миллий мерос

# Нурота каштачилиги

## жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида эътироф этилмокда

*Асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий ҳунармандчилик турларидан бири — каштачиликнинг ҳар бир ҳудудга хос мактаблари мавжуд. Нурота каштачилик мактаби ҳам дунёга донг таратган. Нурота анъанавий каштачилиги ҳақида гап кетганда, ҳудуд хотин-қизлари бу ҳунарни қадим замонлардан бери ўзлаштириб келганликларини таъкидлашади. Амалий безак санъатининг бу тури билан туманнинг етти ёшли қизалоғидан тортиб табаррук етмиш ёшга етган онахонлар ҳам шуғулланиши ҳайратланарлидир.*

Маълумотларга кўра, Нурота каштачилик мактаби ўтган асрнинг 20-30-йилларида ижтимоий-сиёсий муҳитнинг кескин ўзгариши ҳамда машина каштачилигига эътиборнинг кучайиши боис бироз оқсаган бўлса-да, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бу ҳунар яна қайта жонланди.

Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, санъатшунос Аминжон Қодировнинг таъкидлашича, 2002 йилда ҳудуд хотин-қизларидан 15 нафари Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Ўзбекистондаги Швейцария ҳамкорлик бюроси лойиҳаси асосида менежментлар томонидан ўқитилиб ўргатилган. Лойиҳа тренери Муҳаррам Ражабова томонидан Нуротада ишланган XIX аср сўзана нусхаларидан намуналар олиниб, уларга қайта сайқал берилган. Бир йиллик машғулотлар доирасида тингловчилар кашта нақшлари эстетикаси, каштачиликда ишлатиладиган мато ва ипнинг сифати, кашталар композицияси ва чок турларини тикишни мукаммал ўрганишга муваффақ бўлишган.

Ҳозирда бу замин аёлларининг қўл меҳнати маҳсули бўлган сўзаналар, ёстиқпўшлар, дарпардалар ва бошқа каштачилик намуналари Япония, Корея, АҚШ, Франция, Италия ва бошқа мамлакатларнинг кўргазма залларида намойиш қилинаётганлиги ҳам мазкур ҳунармандчиликнинг бардавом эканлигидан далолатдир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Нуротада кашта тикмаган хотин-қизни учратмайсиз. Ҳар бир оилада бу ҳунар ардоқли. Янги тушган келинчакни уйига бир бор нигоҳ ташласангиз, гўзал бир манзарага шоҳид бўласиз. Юксак дид, юрак тафти ва тафаккур маҳсули бўлган каштачилик намуналари билан безатилган уйнинг тафти ҳайратингизни оширади ва бу замин хотин-қизларига ҳурматингиз, ҳавасингиз ортади.

Рухсора Тўрақулова, Дилафруз Ҳожиева, Гулбаҳор Аҳмедова, Дилрабо Комилова, Гулчеҳра Солиева, Саодат Файзиева сингари моҳир чеварлар ва ва уларнинг шогирдлари томонидан яратилаётган кашталар бугун дунё бозорларида ҳам харидоргир. Нурота сўзаналаридаги турли нақшлар, ранглар жилоси нуроталик каштачиларнинг ўлмас санъати, маҳоратидан далолатдир.

Туман каштачилигида бошқа мактаблардаги каби шох, новда, барг сингари нақшлар қўшимча безаклар сифатида киритилса, каштачиликнинг асосий моҳиятини очиб бериш турфа гуллар ёрдамида амалга оширилади.

Жорий йилнинг 4-5 май кунлари Навоий вилоятининг Сармишсой дарасида ўтказилган "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивалида иштирок этган хорижлик меҳмонлар ҳамда юртимизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган анжуман иштирокчилари ҳудуд хотин- қизлари томонидан ишланган ҳунармандчилик маҳсулотларига ҳайрат нигоҳи билан боқдилар. Айниқса "гули савсар", "гули хафранг", "гули лола", "чиннигул", "анор", "бодом" сингари фалсафий рамзий ва эстетик маънога эга нақшлар туширилган каштачилик маҳсулотларига, жумладан, миллий матолардан замонавийлик ва классик усулда тикилган аёллар либосларининг ёқа, енг ва олд қисмларига тикилган нафис нақшларга, кашта гуллари билан безатилган аёллар сумкалари-ю, ҳатто пойафзалларга ҳам ишланган кашта нақшларига хорижлик меҳмонларнинг талаби катта бўлди.

Маданият байрами доирасида ташкил этилган безакли амалий санъат ярмаркасида ўз нақши нигор каштачилик маҳсулотлари билан иштирок этган нуроталик Саодат Файзиева фестиваль лауреати бўлишдек бахтга муяссар бўлди. Анжумандан ёркин таассуротлар билан қайтган ҳунарманд билан бўлган суҳбатимиз самимий кечди.

— Биз каштачилик билан оилавий тарзда шуғулланамиз. Фарзандларим ва келиним ҳам менга яқин кўмакдош. Ўғлим Шерали ва Нурали бизга кашта нақшлари ва гулларини чизиб беради. Қизим Гулмира ва келиним Гулжаҳон кашта тикиш санъатида ҳатто мени ҳам ортда қолдирмоқда, - дейди мийиғида кулиб чевар опа.

Республика ҳамда вилоят миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танловлар ва Фонд Форум лойиҳаларида иштирок этиб нуфузли ўринларга сазовор бўлаётган Саодат опа чин маънода ҳунаридан бахт топган аёллардан биридир. Замини зар бўлган, азал-азалдан сайёҳларнинг эътиборидаги бу масканга сиз ҳам бир бора ташриф буюрсангиз, кундан- кунга чирой очаётган истиқболи порлоқ юрт хотин-қизлари томонидан яратилаётган санъат асарларига мафтун бўлишингиз шубҳасиз.

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**





(ЎзА) олган суратлар.

# Билим, тарбия ва ифтихор маскани

*Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон Бадиий академияси, Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда мамлакатимизда "Музейлар - тарих кўзгуси" мавзусида маданий-маърифий ҳафталик ўтказилмоқда.*

*Ҳафталик доирасида Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти билан ҳамкорликда "Музейлар: тарих, замонавийлик ва келажак талқини" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.*

*Унда санъатшунос ва тарихчи олимлар, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, маҳалла фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.*

*Темурийлар тарихи давлат музейи директори Н.Ҳабибуллаев, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Г.Алимова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, билим ва тафаккурини кенгайтиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.*

*Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга ҳурмат руҳида вояга етказишда музейларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Мамлакатимизда музейлар фаолиятини давр талабига мос йўлга қўйиш, уларнинг захирасини янада бойитиш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.*

*Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги қонуни музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, такомиллаштириш, улардаги нодир ашёлар, осори-атиқаларни сақлаш, ўрганиш, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

*Юртимиз музейларида адабиёт, тарих, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари сингари ўқув фанлари бўйича очиқ дарслар ўтказиш яхши анъанага айланган. Бу ёшларнинг билимини бойитиш ва кенгайтириш билан бирга уларнинг Ватанимиз тарихи, маданияти ва санъатига бўлган қизиқишини кучайтиришга хизмат қилади.*

*Семинарда юртимиз музейларида яратилган шарт-шароитлар, музей маркетинги ва педагогикасининг ўзига хос жиҳатлари, сайёҳлик ривожида мазкур соҳанинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.*

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Обод манзиллар

# Ислоҳотлар инсон манфаатларига

## хизмат қилмокда

***Истиқлол йилларида Иштихон туманида ҳам кўлами кенг, моҳияти жиҳатидан улкан яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Муҳташам иморатлар, янгидан бунёд этилган мактаблар, коллежлар, турар-жойлар, кенг равон йўллар, кўприклар, боғу хиёбонлар Иштихоннинг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Хусусан, "Иштихон деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамияти тўлиқ реконструкция қилиниб, 624 та савдо ўрни, 80 та турғун савдо шохобчалари ташкил этилди.***

Туман марказий ўйингоҳи, марказий истироҳат боғи, хотира майдони қайта таъмирланиб, ободонлаштирилди. Иштихон шаҳри кўриниши тубдан ўзгартирилиб, шаҳарсозлик меъёрлари талабларига жавоб берадиган кўринишга келтирилди. Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра ҳудудларда 41 та намунавий лойиҳа асосида уй-жойлар қуриб, фойдаланишга топширилди. 2013 йил дастурига асосан 2 та қишлоқ массивида 71 та намунавий лойиҳа асосида уй-жой қурилиши давом этмоқда. Туманда сўнгги уч йил давомида якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 12200 та, кичик корхона ва микрофирмаларини кенгайтириш ҳисобига 11019 та янги иш ўрни яратилди. Ўтган йили мавжуд 10 та касб-ҳунар коллежини 4404 нафар ёш битириб чиқиб, шундан 3773 нафарининг бандлиги таъминланди. Ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги корхоналар ташкил этиш ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида 132 та лойиҳа амалга оширилди.

Иштихонда деҳқончилик ҳадисини олган пахтакор ва ғаллакорлар кўпчиликни ташкил қилади. Шу боис, туман ғаллакорлари ҳар йили муҳтарам Президентимиз табригида тилга олинмоқда. Туманда саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш мақсадида дастур ишлаб чиқилган. Ёш тадбиркор Улуғбек Умирзоқов томонидан ташкил этилган "Митан қурилиш ашё" хусусий корхонасида йиллик қуввати 6 миллион дона бўлган ғишт ишлаб чиқариш заводи фаолият бошлади. Элёр Халилов томонидан ташкил этилган "Иштихон чарм маҳсулот" масъулияти чекланган жамиятида табиий чармдан эркаклар ва болалар пойабзаллари ишлаб чиқарилмоқда. Аҳмад Кўчқоров томонидан ташкил этилган "Камар тонги" хусусий корхонасида қурилиш гипси, Суннатилла Мирзаев томонидан ташкил этилган "Иштихонлик Суннатилло" хусусий корхонасида нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Бобир-Собир" фермер хўжалиги томонидан "Агробанк"нинг 40 миллион сўмлик кредит маблағлари ёрдамида 1 гектар майдонда, "Авангард-ШНЗ" фермер хўжалигида 120 миллион сўмлик кредит маблағлари ёрдамида 5 гектар майдонда илғор технологияга асосланган интенсив боғлар яратилди. Иқтисодиётни ривожлантиришда кам қувватда ишлаётган ёки бўш турган ишлаб чиқариш биноларини модернизация қилиш муҳим аҳамиятга эга. Маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар ташкил этишнинг бу усулида камроқ харажат сарфлаб, қисқа муддатларда фойдали самара олиш мумкин. Туманнинг Арзиқул қишлоғида жойлашган собиқ паррандачилик комплекси бир муддат фаолият кўрсатмай турди. Бу ерга "Каттақўрғон парранда" масъулияти чекланган жамияти инвестор сифатида жалб қилиниб, жамият бинолари замонавий ускуналар билан қайта жиҳозланди. Бунинг натижасида 96 минг бош паррандани парваришлаш имконияти тикланиб, 16 та янги иш ўрни яратилди. "Дурадгор Тоштемир" масъулияти чекланган жамияти ўз маблағлари ҳисобидан Хитойдан мебел ишлаб чиқариш дастгоҳлари олиб келиб меҳмонхона, ошхона, ётоқхона жамланмаси каби 10 турдаги мебеллар ишлаб чиқармоқда. Акрам Тошматов Жанубий Кореялик ҳамкорлари билан "Электроник ёш куч" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Жамият "Электроник ёш куч" фирма белгисига эга бўлган кейинги авлодга мансуб компьютерлар йиғиш билан шуғулланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. Ҳар ҳафтанинг шанба куни "Очиқ эшиклар куни" деб эълон қилиниб, тадбиркорларни қабул қилиш йўлга қўйилган. Бу тадбир асосида якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида юрганлар учун маслаҳат ва ёрдамлар ҳам берилади. Қиш — баҳор мавсумида аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида "Иштихон мева сервис" хусусий корхонаси томонидан қуввати 200 тонналик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш омборхонаси ишга туширилди. "Уйғони боғлари" фермер хўжалигида 300 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришда энг муҳим устувор вазифадир. Бу борада хорижий ҳамкорлар билан табиий ва яхна ичимликлар, колбаса, сут маҳсулотлари, калава ип ишлаб чиқариладиган қўшма корхоналарни ишга тушириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. ЎзМТДПдан сайланган туман ва вилоят кенгаши депутати сифатида режа асосида "ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий вазифалари", "Жамоатчилик назоратини такомиллаштириш", "ЎзМТДП электорати манфаатларини ҳимоя қилиш", "Парламент назоратини амалга оширишда депутатларнинг фаоллигини кучайтириш масалалари", "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш", "ЎзМТДП мақсад ва ғоялари депутатлар гуруҳлари фаолиятида акс эттирилишининг аҳамияти" мавзуларида тадбирлар уюштирилмоқда. Бунда Президентимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш" Концепциясида илгари сурилган ғоялар мазмун-моҳиятига таянилмоқда. Туман кенгаши сессияларида партия дастури йўналишларидаги долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилмоқда. Жумладан, туман кенгашининг бўлиб ўтган олтинчи сессиясида "Соғлом она — соғлом бола" дастурини изчил амалга ошириш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, оналар ва болалар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш тизимини устувор ривожлантириш, тиббий хизмат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилиши ва тарбиялаш билан боғлиқ масалалар ўртага ташланиб, уларнинг ечимига қаратилган қарорлар қабул қилинди.

**Шуҳрат НЕГМАТОВ,**
**Иштихон тумани ҳокими,**
**ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши депутати**

Анжуман

# Халқ таълими вазирлиги

## ўқув йили давомида амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифаларни сарҳисоб қилди

*Якунига ётаётган 2012/2013 ўқув йилида амалга оширилган ишлар, истиқболдаги устувор вазифалар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида сарҳисоб қилинди.*

Анжуманни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мактаб таълимини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётгани, ўқувчиларга аниқ мақсадли дастурлар асосида таълим-тарбия бериш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига тайёрлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларга тўхталар экан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг салкам 12 фоизи айнан таълим соҳасига ажратилганини қайд этди.

Шундан сўнг, халқ таълими бошқарма бошлиқларининг таълим сифати, ўқитувчи ва ўқувчи шахси, баркамол авлод тарбиясидаги устувор вазифалар, Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишларга бағишланган ҳисоботлари тингланди.

— 2012/2013 ўқув йилида 21 та фан бўйича 1260 соат ҳажмдаги мавзулар оптималлаштирилди. Янги ўқув дастурлари, илғор педагогик технологиялар тажриба-синовдан ўтказилди ва ҳозирда амалиётга жорий этилмоқда. 5-8-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Билимлар беллашуви" натижасига кўра, мактабларнинг ўқитиш сифатига оид махсус рейтинг яратилди. "Устоз-шогирд", "Дарс - муқаддас!", "Ўрган - ўргат!", "Мураккаб фанни ўрганаман" лойиҳалари педагогларнинг ўзаро тажриба алмашиши имконини берган бўлса, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танлови илғор иш услубларини оммалаштиришга хизмат қилмоқда, - деди бош бошқарма бошлиғи Файзулла Аҳмедов.

Бундан ташқари, анжуманда баркамол шахс тарбияси, унинг ҳуқуқий саводхонлиги хусусида сўз борди. Халқ таълими бошқарма бошлиғи Ҳ.Даминовнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда республикамиз бўйича 194 та таянч мактаблари бўлиб, улар томонидан 2012/2013 ўқув йилида маънавий-маърифий ишлар амалга оширилган. Нотиқ умумтаълим мактаблари учун ишлаб чиқилган одоб-ахлоқ қоидалари: ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатлар, мактаб формаси, дарс вақти ҳамда махсус жиҳозланган хоналарда техника хавфсизлигига риоя қилиш тартиби хусусида тўхталди.

Маълумки, Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори якунланаётган ўқув йилидаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Қисқа фурсат ичида чет тиллари бўйича Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Анжуманда таъкидланганидек, ана шу қарорга мувофиқ халқаро экспертларни жалб этган ҳолда 1-9-синфлар учун чет тиллар бўйича ўқув дастурлари яратилган.

— Умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари учун чет тилларида яратилаётган дарслик мажмуалари 130 мактаб ва 14 малака ошириш институтида тажрибадан ўтказилди. Дарслик мажмуалари, хусусан, 1-синфларнинг "Kid's English" — "Инглиз тили болалар учун" дарслиги, унга қўшимча тарзда ўқитувчи қўлланмаси тажриба-синов учун чоп этилди ва мультимедиали иловалар (CD дисклар) тайёрланди, - деди умумтаълим мактаблари бўлим бошлиғи Абдураҳим Носиров. — Шунингдек, "Duetsch macht spab" — "Немис тили қувонч бағишлайди" ва "Hirondelle" — "Қалдирғоч" (француз тили) дарслик мажмуалари яратилиб, айни пайтда тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Жорий йилнинг 15 августигача ўтказилган тажриба-синов натижалари ҳамда халқаро экспертлар хулосаси асосида такомиллаштирилади ва дарслик мажмуалари чоп этилиб, барча мактабларга етказилади. Янги ўқув йилида 533 нафар бола 1-синфданоқ учта хорижий тилни ўрганиб боради. Энг аввало, чет тилини болалар эшитиш, гапириш ва ёзиш орқали ўрганадилар.

Анжуманда "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг фарзандларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёзги оромгоҳларда соғломлаштириш, инклюзив таълимни ривожлантириш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилаётгани ҳам алоҳида таъкидланди. Айниқса, жойларда ташкил этилаётган "Китобхонлик байрамлари", "Адабиёт ҳафталиклари", мусиқий кўрик-танловлар, ижодий фестивалларнинг мунтазам ўтказилаётгани ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ва унумли ўтишини таъминлаётир.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Зафар МУҲАММАД,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Кўргазма

# Қадимий маданиятимиз намойиши

***Пойтахтимизда "Ўзбекистонда ўрта асрлардаги сопол идиш қопқоқларининг нақшлари" мавзусида кўргазма очилди.***

Кўргазмадан маданият карвонсаройи коллекциясида сақланаётган 30 дан ортиқ турли хил кўриниш ва ҳажмдаги идиш қопқоқлари жой олган. Экспонатларнинг кўпчилиги нақшлар билан безатилган бўлиб, улар орасида қизил ангобдан гул солинганлари ҳам бор. Аксарият қопқоқларда нақшлар геометрик, синиқ чизиқ ва тўлқинсимон ҳолда чизилган.

Қопқоқ - устки қисм, турли ҳажмдаги идишлар устини ёпадиган, амалий вазифани бажарувчи буюм ҳисобланади. Қопқоқлар тарихи минг йилликларга бориб тақалади. Айниқса, ўрта асрларда бундай буюмлар безашда нақш ва белгилардан кенг фойдаланилган. Уларни безашда замон ва маконга хос белгилар ҳам ҳисобга олинган. Дастлаб, идиш ва унинг қопқоқлари одамлар иш фаолияти, кундалик ҳаёти, саёҳат ва сафарларда энг зарур буюм сифатида ишлатилган. Идиш қопқоқлари, энг аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини қандай бўлса шундайлигича сақлаш, унга чанг, ифлос ёки ҳашоратлар тушиб қолмаслигини таъминлаган.

Кўргазма доирасида давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди. Унда музейшунос, археолог, реставратор ва бир қатор соҳа ходимларининг "Тошкент вилояти Қанқа шаҳарчасидан топилган ўрта асрлардаги идиш қопқоқлари", "Археологик идиш қопқоқларини таъмирлаш усуллари" каби мавзулардаги маърузаси тингланди. Кўргазма ва маърузалар, фикр алмашувлар тадбир қатнашчиларининг бу борадаги тасаввури, қадимий маданиятимиз, қадриятларимиз илдизлари ҳақидаги маълумотларини янада бойитди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

Бизнинг шарҳ

# Анъанавий қадриятлар ва миллий манфаатларни ҳимоя қилувчи партия



***Дунё мамлакатларида давлат бошқарувини шакллантиришда сиёсий партиялар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бунда мавжуд сиёсий институтлар ўз ғоя ва мафкуралари, мақсад ҳамда вазифаларини илгари сурган ҳолда демократик жамият қуриш, ислоҳотларни амалга оширишда яқиндан кўмак беради. Бугунги кунда дунё давлатларида тарихий анъаналар, қадриятлар, миллий манфаатларни ўз дастурий мақсадларида ифода этган партиялар талайгина. Биз қуйида ана шулардан бири АҚШдаги Республикачилар партияси ҳақида маълумот берамиз.***

АҚШда давлатни икки ҳукмрон партия — республикачилар ва демократлар идора қилади. Гарчи мамлакатда юзлаб кичик партиялар фаолият юритсада, мана 200 йилдан ошдики, улар катта сиёсатга сезиларли таъсир кўрсата олмай келяпти. Бошқача айтганда, қарийб икки асрдан буён сайловлардаги курашлар, ғоялар баҳси мазкур икки партия ўртасида кечмоқда.

АҚШдаги асосий сиёсий кучлардан бири Республикачилар партиясининг иккинчи номи Grand Old Party, яъни Буюк эски партия деб юритилади. Мазкур партия анъанавий қадриятларга содиқлиги билан ном қозонган бўлиб, доимо инсоннинг ўзи яратувчан, иқтидорли экани, кўп меҳнат қилувчи, яхши хулқ, имкониятлар томон интилувчи одам ўзи ва жамият учун кўп ишларга қодирлиги, муносиб муваффақиятларга эриша олишига ишониши каби ғояларни илгари суриб келади. Булар қаторига, шунингдек, республикачилар халқаро терроризмга қарши кураш, солиқларни камайтириш ташаббускори сифатида ажралиб туради.

Тарихий маълумотларга кўра, Республикачилар партияси Эркин ер партияси ва "Виждон" фракциясининг бирлашиши билан ташкил этилган. Бундай сиёсий воқеа 1854 йилда амалга оширилди. Шимолий штатлар саноатчилари айнан унинг байроғи остида бирлашгани натижасида мамлакатдаги яккаҳоким — Демократик партияга қаршилик кўрсата оладиган куч пайдо бўлди.

АҚШнинг Республикачилар партияси ташкил бўлиши билан ғарбий ерларда қулдорликни таъқиқлаш талаби билан чиқди. Шунингдек, улар ерларни барча хоҳловчиларга бепул бўлиб бериш тарафдори эдилар. Бунда расман бўш, амалда эса ҳиндулар истиқомат қиладиган ҳудудлар назарда тутилган. Ҳиндулар фикри мазкур ташаббусни илгари сураётганлар томонидан инобатга олинмаган, албатта. Шу билан биргаликда республикачилар Европадан олиб кирилаётган саноат маҳсулотларига юқори пошлиналар жорий этишга чақиришди. Сиёсий қарашлардаги бундай радикал фарқ кейинчалик фуқаролик урушига олиб келди ва унда Шимол Жануб устидан ғалаба қозонди. Шимолликлар ва уларнинг етакчиси Авраам Линкольннинг ғалабасидан сўнг партия нафақат президентлик, балки АҚШ Конгресси сайловларида ҳам узоқ муддатли узлуксиз устунликка эга бўлдилар. Қулчилик бекор қилинди, мамлакатда кучли иқтисодий ривожланиш даври бошланди. XX аср бошида Демократик партия яна республикачиларга рақобатчи куч сифатида майдонга чиқди.

Демократ Франклин Рузвельтнинг мамлакат президенти этиб сайланиши Республикачиларнинг ҳақиқий мағлубияти бўлди. Кетма-кет мағлубиятлар 1953 йилда республикачи Дуайт Эйзенхауэрнинг президентлик сайловларидаги ғалабаси билан ниҳоясига етди. У совуқ уруш идеологларидан бири бўлди. Бироқ партиянинг кучга тўлган палласи 1970 йиллар охирига тўғри келди. Ўшанда Америка президенти сифатида голливуд актёри Рональд Рейган сиёсий майдонга чиқди. У партияда катта ўзгаришларни амалга оширди, ультраконсерватив позициялардан воз кечилди.

Р.Рейгандан кейин 1989 йилги сайловларда Республикачилар партияси яна ғалаба қозонди ва шу йилнинг 20 январидан 1993 йилгача Жорж Герберт Буш президентлик лавозимини бошқарди. 2000 йилги сайловларда эса ҳокимият тепасига кичик Жорж Буш келиб, мамлакатни 2009 йилгача бошқарди.

Статистик маълумотларга кўра, АҚШ аҳолисининг 55 фоизи республикачиларни қўллаб-қувватлайди. Олиб борилган тадқиқотларга кўра, республикачилар партияси электорати асосан учта асосий гуруҳни ташкил этади. Булар: ижтимоий консерваторлар бўлиб, катта ёшли аҳолининг 11 фоизи ва рўйхатдан ўтган сайловчиларнинг 13 фоизи республикачилар партияси ғоясини қўллаб-қувватлайди. Кейинги гуруҳ тадбиркорлар бўлиб, умумий аҳолининг 9 фоизи ва рўйхатдан ўтган сайловчиларнинг 10 фоизини ташкил этади, улардан 81 фоизи ўзини республикачи, 18 фоизи мустақил деб ҳисоблайди. Ниҳоят учинчи қатлам консерватор-популистлар бўлиб, умумий аҳолининг 9 фоизи ва рўйхатдан ўтган сайловчиларнинг 10 фоизини ташкил этади, улардан 58 фоизини республикачилар ташкил этади.

Солиқларни камайтириш, эркин савдони ташкил этиш республикачиларнинг асосий нуқтаи назарларидан бири саналади. Республикачилар ноқонуний миграцияни чеклаш ва муҳожирларни мамлакатдан чиқариб юбориш тарафдори. Уларнинг фикрича, ноқонуний мигрантлар энг кам иш ҳақини оширишга бўлган ҳаракатларга тўсқинлик қилади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларига халал беради. Республикачилар партияси аъзолари мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ҳарбий харажатларни ошириш ва АҚШ миллий манфаатларини ҳимоя қилишни ёқлаб овоз берадилар. Бугун республикачиларнинг асосий электоратини нафақа ёшидаги кишилар, диндор америкаликлар ва қишлоқ ҳудудлари аҳолиси ташкил этади.

Умуман олганда, АҚШ сайлов тизими жуда мураккаб. Ҳар бир штатдаги овоз бериш ҳуқуқига эга фуқаролар сайлов участкасига бориб, бюллетенда исмлари кўрсатилган у ёки бу номзод учун овоз беради. Сайловлардан бир неча кун олдин ҳар бир штатда Сайловчилар коллегиясига вакиллар сайланади. Одатда, бу етакчи партиялар номзодлари бўлиб, ушбу коллегияга аъзо одамлар сўнгра штат номидан президентни сайлайди. Ҳаммаси бўлиб коллегияга 530 нафардан зиёд одам киради. Ҳар бир штатнинг аҳолиси сонига қараб, пропорционал равишда коллегия вакиллари сони белгиланади.

Ғоя ва мафкуралар партияларнинг асосий қуроли саналади. Энг яхши ташаббусларни илгари суриш, одамларга яқиндан ёрдам бериш, уларни мунтазам қўллаб-қувватлаш кейинги сайловларда муносиб натижаларни қўлга киритишга муҳим асосдир. АҚШда ҳам қонун лойиҳалар, янги ташаббуслар баҳс-мунозараларсиз, жиддий тортишувларсиз ўтмайди. Аммо яқинда мамлакатда бир неча сенаторлар томонидан Америкада доимий яшаш ва ишлаш ҳуқуқини берувчи Green Card лотереясини бекор қилиш ташаббуси илгари сурилди. Бу ғоя ҳам республикачилар, ҳам демократлар томонидан бирдай қўллаб-қувватланди. АҚШ конгресси Иммиграция тизимини ислоҳ қилиш лойиҳасини жорий йилнинг июнь ойида овозга қўяди. Унгача ҳали вақт бор. Шунга қарамай, мутахассислар ҳар икки партия вакилларининг қарашлари, қонун лойиҳаларни бир овоздан маъқуллашлари камдан-кам учрайдиган ҳолат эканини таъкидлашган.

**Беҳбуд БОТИРОВ,**
**"Milliy tiklanish"**
**шарҳловчиси**

**"Партия" сўзи лотинчадан олинган бўлиб, "қисм", "бўлак" деган маъноларни билдиради. Бундай сиёсий кучлар дастлаб қадимги Греция ва Юнонистонда пайдо бўлган. Бугунги сиёсий партиялар жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида муносиб ўринни эгаллаши, аввало, сиёсий мақомни аниқ тасаввур этиши, жамият сиёсий ҳаётида тутган ўрни, мақсад ва вазифаларига мос амалий фаолият кўрсатиши билан белгиланади. АҚШда партиялар фаолиятини тартибга солиб турувчи қонунчилик тизими мавжуд бўлиб, унинг асосий қисмини штатлардаги алоҳида қонунлар ташкил этади.**

Рангин дунё

# Асвон тўғони

***Дунёнинг замонавий мўъжизаларидан бири - Асвон тўғони энг узун дарё Нил сувларини жиловлаб туриш учун барпо этилган. Тўғон йил давомида сув оқимини муттасил сақлашга ёрдам беради. Шу билан бир қаторда Мисрнинг шаҳар ва қишлоқларни, корхона-ю заводларни электр манбаи билан таъминлаб турувчи энг йирик гидроиншоотлардан бири ҳисобланади.***

Қадим замонлардан бери Нил сувлари тез-тез ўзанидан тошиб туради. Бундай тошқин ўзидан кейин экин майдонларида ҳосилдор балчиқни ҳосил қилган. Натижада, деҳқонлар ортиқча парваришсиз ҳам ердан мўл ҳосил олганлар. Ҳар бир нарсанинг яхши ва ёмон томони бўлганидек, дарё тошқини ўзига яраша муаммоларни ҳам келтириб чиқарарди. Энг аввало, тошқин оқибатида кўплаб уй ва ҳосилдор далаларни сув босган. Йилнинг қолган қисмида эса қурғоқчил об-ҳаво ҳукмрон эди.

1902 йили тошқинларнинг олдини олиш мақсадида муҳандислар Асвондан жануброқда тўғон қуришди. Асвон Мисрдаги жанубий кўҳна шаҳардир. Шаҳар шундоққина Нил қирғоғида, дарё дельтасидан тахминан минг километр узоқликда жойлашган бўлиб, аҳолиси 275 мингдан зиёдни ташкил қилади. Кейинчалик, 1912 ва 1933 йили тўғон баландроқ қилиб кўтарилди. Бироқ, биринчи қурилган Асвон тўғони Нил сувларига дош бера олмади. 1960 йилга келиб, ундан-да баландроқ Асвон тўғонини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Орадан 11 йил ўтиб, узунлиги 3,6 км.дан ортиқ, баландлиги 111 метр, юқори қисмининг кенглиги 40 метр, дарё тубидаги пастки қисмининг кенглиги эса 925 метрни ташкил қилувчи тўғон фойдаланишга топширилди.

Ушбу режа германиялик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган. Миср иншоотни қуриш ва молиялаштириш бўйича собиқ иттифоқ билан ўзаро ҳамкорлик шартномасини имзолайди. Улкан иншоотни қуриш қурувчилардан катта маҳорат ва меҳнатни талаб қилгани сир эмас. Мутахассисларнинг айтишича, тўғон қурилишига кетган тош, қум, лой ва бетондан бемалол 17 та Хеопс пирамидасини бунёд этса бўларкан. Тўғон еростидамбаси кўринишида бўлиб, гранит тошлар, маркази эса лой ва цемент билан қопланган. Унинг ўнг қирғоғидаги тоғда гидроэлектростанцияга сув етказиб берувчи каналлар ва 6 та тунел қурилган. Кираверишдаги маҳобатли арклар машиналарнинг кириб-чиқишини таъминлайди. Тўғоннинг энг юқори қисмидан тўрт полосали йўл ўтган бўлса, энг чекка қисмида монолит тошлардан ишланган, лотос гулини эслатувчи рамзий ёдгорлик савлат



тўкиб турибди.

Асвон тўғонининг яна бир ютуғи Носир кўлининг ҳосил қилиниши бўлган. Миср президенти Абдул Носир шарафига аталган кўлнинг узунлиги 500 км.ни ташкил қилади. Кўлни барпо этишнинг ўзи бўлмаган, албатта. Бунинг учун 60000 дан зиёд ерлик аҳоли хавфсиз ҳудудларга кўчирилган. Кўл қурилиши натижасида бир неча ибодатхона ва ороллардан воз кечишга тўғри келган. Бироқ, ЮНЕСКОнинг саъй-ҳаракати билан тарихий қийматга эга қурилмалар сақлаб қолинган. Аввалига сув остида қолиши кутилаётган қадимги ҳайкалларни ойнаванд қутиларга солиб, муҳофаза қилиш кўзда тутилган эди. Аммо сув остига шўнғиш анча хатарли бўлгани учун қояларга ўйиб ишланган қурилмалар, Рамзес II даврига оид ибодатхоналар 30 тонналик бўлакларга бўлиниб, дарё сатҳидан анча баланд тепаликлар устида қайтадан қад ростлади. Мазкур заргарона иш учун қурувчилар 4 йил сарфлашди.

Шу кунгача Носир кўлида тўпланган сувлардан асосан қишлоқ хўжалиги учун фойдаланиб келинади. Кўл сувлари йил бўйи мўл ҳосил олиш имконини бермоқда. Шунингдек, тўғондан ўтаётган сув турбиналарни айлантириб ўтади. Юқорида айтилганидек, бу гидроиншоот Мисрнинг тенг ярмини электр манбаи билан таъминлаб келаётир. Бироқ, тўғон ҳосилдор балчиқни дарёнинг қуйи қисмига ўтишига тўсқинлик қилмоқда. Шу боис, деҳқонлар ер унумдорлигини ошириш учун турли кимёвий ўғитлардан фойдаланишга мажбур бўлаяпти.

Асвон тўғони давлат муҳофазасидаги иншоот бўлишига қарамай, унинг эшиклари сайёҳлар учун ҳамиша очиқ. Бу ердаги томоша майдончасидан туриб Носир кўлини бор бўй-басти билан кузатиш мумкин. Майдончага сайёҳлар учун мўлжалланган ягона йўл — лифт орқалигина чиқилади. Истаган киши тўғонни яқиндан томоша қилиб, унинг маҳобати-ю имкониятларини ҳис қила олади. Фақат тўғон жуда баландда бўлгани боис, ундан пастга қарашга ҳамма ҳам жазм этолмайди. Шимол томондан эса икки минг мегаватли электростанция ва бир нечта каналлардан иборат ирригация тизими кўриниб туради. Мазкур қурилмалар орқали ўтган сувлар яна Нилнинг ўзига келиб қуйилади.

Муҳандисликнинг юксак мўъжизаси ҳисобланмиш Асвон тўғони чин маънода инсон қўли ва техника имкониятларидан тўла фойдаланган ҳолда яратилган. Машҳур океаншунос олим Жак Ив Кусто айтганидек: "Асвон тўғонининг ўлчамлари шу қадар маҳобатлики, ҳатто, Миср эҳромлари унинг соясида қолиб кетганга ўхшайди". Ҳақиқатдан ҳам тўғон асов Нилни жиловлай билди. Бугунги кунда Нил Миср ва Африка халқлари тақдирини ҳал қилса, Асвон ўтмиш ва келажакни боғлаб турувчи ришта вазифасини бажариб келмоқда.

**Зафар МУҲАММАД**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Ноқулай об-ҳаво

**АҚШда кучли торнадо рўй берди.**



Оклахома штатидаги торнадо оқибатида камида 51 киши ҳалок бўлган, жароҳат олганлар сони эса 100 нафардан ошди. Кенглиги 1,6 километрни ташкил этган табиий офат Оклахома-сити яқинидаги Мур шаҳрига энг кўп зарар етказди. Кучли бўрон пайтида кўплаб уйлар ва бинолар вайрон бўлган. Кўплаб муассасалар, ташкилот биноларига жиддий зарар етган. АҚШнинг миллий об-ҳаво хизмати торнадодаги шамол тезлиги соатига 320 километрни ташкил этганини маълум қилди.

## Бағдод ва Басрада

**Ирокда қатор бомба портлашлари содир бўлди.**



Энг кўп портлашлар мамлакат пойтахти Бағдодда рўй берган. Бир кун ичида у ерда автомобилларга ўрнатилган 10 бомба портлаган. Кўплаб одамлар ҳалок бўлган, жароҳат олганлар ҳам борлиги хабар қилинган. Ироқ жанубидаги Басра шаҳрида ҳам иккита автомобилга ўрнатилган бомба портлаган. Ҳозирча ҳеч қайси тараф ҳужумлар масъулиятини ўз зиммасига олгани йўқ.

## Мақсад — муносабатларни яхшилаш

**Сербия ва Косово бош вазирлари яна бир бор учрашади.**

Сербия ва Косово бош вазирлари Европа Иттифоқи воситачилигида яна бир бор учрашишади. Сешанба куни Брюсселда ўтадиган учрашувда Сербия бош вазири Ивица Дачич ва унинг косоволик ҳамкасби Ҳошим Тажи икки томон ўртасидаги муносабатларни янада яхшилашга оид эришилган келишувни амалга ошириш бўйича музокаралар ўтказади. Мутахассислар бундай келишув ҳар икки мамлакат учун тарихий воқеа экани, эндиликда уни амалга оширишда аниқ қадамлар қўйиш лозимлигини таъкидлашган. Эслатиб ўтамиз, Косово 2008 йилнинг февралида Сербиядан мустақиллигини эълон қилган. Косово мустақиллигини юзга яқин давлат тан олган. Сербия эса ҳамон Косово мустақиллигини тан олмай келади. Муносабатларни нормаллаштириш бўйича келишувга эришилиши Сербиянинг Европа Иттифоқига қўшилишига оид музокараларга йўл очиб беради. Сербиянинг Европа Иттифоқига қўшилиш талабномаси жорий йилнинг июн ойи охирида муҳокама этилади.

## Навбатдаги синов

**Шимолий Корея ўзининг шарқий соҳилидан қисқа масофаларга мўлжалланган ракетани учирган.**



Бу ҳақда Ассошэйтед пресс Жанубий Корея мудофаа вазирлиги маълумотларига таяниб хабар берган. Ўтган шанба куни ўша шарқий соҳилдан яна учта қисқа масофалардаги нишонларга зарба беришга мўлжалланган ракета учирилган ва уларнинг барчаси Япон денгизига қулаган.

Сўнгги бир неча ойдан буён бир томондан Пхеньяннинг ядровий қуролни синовдан ўтказиши ва ракетани космосга олиб чиқиши, иккинчи томондан — Жанубий Корея ҳамда АҚШнинг кенг миқёсли ҳарбий машғулотлари сабаб Корея ярим оролида юзага келган кескинлик юмшаётгани йўқ. Янги ракета парвозлари расмий Сеулни ҳам, расмий Вашингтонни ҳам хавотирга солмоқда: май ойи ўрталарида АҚШ мудофаа вазирлиги (Пентагон) КХДР ихтиёрида «Скад», «Нодон» ва «Мусудан» ракеталари учун мўлжалланган 200 тагача мобил парвоз установкалари мавжуд эканини маълум қилганди.

*Хориж хабарлари асосида тайёрланди*

**Эълон**

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**
**2013 йил 27 июнь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади!**

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уйда жойлашган Тошкент тиббиёт академияси балансидаги 1995й. и/ч, д/р 10AQ061, бошланғич нархи 3 153 860 сўм бўлган «ГАЗ-31029»; 1998й. и/ч, д/р 10AD828, бошланғич нархи 3 372 731 сўм бўлган «Дамас»; 1998й. и/ч, д/р 01/984DCA, бошланғич нархи 6 246 880 сўм бўлган «Дамас» русумли; Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Хондойлиқ Қ.Ф.Й. манзилида жойлашган «Ғазалкент» соғломлаштириш маркази балансидаги 1997й. и/ч, д/р 10/260MAA, бошланғич нархи 8 451 900 сўм бўлган «Дамас»; 1995й. и/ч, д/р 10/853WAA, бошланғич нархи 16 411 100 сўм бўлган «ГАЗ-3307» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан икки кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Тўловлар накд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур ускуналар ва автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2013 йил 8 май куни ўтказилган аукцион савдоси натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги Тиббиёт-санитария бирлашмасининг Марказлашган автокорхонаси балансидаги д/р 01/034EBA бўлган «ГАЗ-3102» — 1 900 000 сўмга, д/р 01/028EBA бўлган «ГАЗ-310290» — 1 900 000 сўмга; Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи балансидаги д/р 01/071WAA бўлган «Дамас» — 6 700 000 сўмга; В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи балансидаги д/р 10AS524 бўлган «Дамас» — 11 100 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

## ҲИКМАТ

***Ҳамма ишни бирданига бажаришга уриниш — ҳеч нарса қилмаслик билан баб-баробар.***

Г.Лихтенберг

***Ҳали у ишга, ҳали бу ишга уриниш, ўзига-ўзи суиқасд қилиш демакдир.***

Ш.Гуно

## Фурур




# Миллий кураш

### дунё полвонларини Термизга чорлади

***Истиқлол туфайли Юртбошимиз раҳнамолигида миллий маънавий қадриятларимиз қайта тикланди, дунё сари юз очди. Хусусан, миллий спорт турларимиздан бири бўлган кураш билан бугун нафақат мамлакатимиз, балки дунёнинг 120 дан ортиқ давлатлари полвонлари зўр қизиқиш билан шуғулланаётгани, қоидалари соф ўзбек тилида янграётгани қувонарли ҳол.***

Кураш ёшларни жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш билан бирга уларда юксак маънавият, ҳалоллик, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, ватанпарварлик каби фазилатларни шакллантиришга, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Сурхондарёда ҳар икки йилда Ҳаким ат-Термизий халқаро хотира турнирини ўтказиш анъана тусини олди.

Термиз шаҳрида 18-19 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган навбатдаги XI халқаро турнир қизғин тус олди. Польша, Ироқ, Грузия, Эрон, Ҳиндистон, Россия каби қирққа яқин давлатдан 150 нафарга яқин спортчи, мураббий ва ҳакамлар иштирок этди. Мусобақа олдидан семинар ташкил этилди. Меҳмонлар Термизнинг диққатга сазовор жойлари, шаҳардаги улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди. Нуфузли турнирнинг очилиш маросимида миллий куй-қўшиқларимиз, урф-одатларимизнинг айрим кўринишларини меҳмонлар қизиқиш билан кузатишаётганини яширишмади. Айниқса, "Сурхон" стадиони марказига ўрнатилган ўтовлар кураш бошланмай турибоқ, уларнинг диққатини тортди.

* * *

19 май эрта тонгда "Сурхон" спорт мажмуаси томон кураш шайдолари шошиб бораётганига гувоҳ бўлдик. Бугунги беллашув муросасиз ва қизиқарли ўтишига шубҳа йўқ эди. Беллашувларга старт берилганда кураш майдони мухлислар билан тўлиб-тошгани, олқишлар ва қарсакларнинг бир муддат тинмагани полвонларга янада куч бағишлади. Ўртадаги ҳакамларнинг ишорасига биноан ўрнатилган биринчи ва иккинчи гиламларда дастлаб 66 ва 81 кг. вазн тоифасидаги полвонларнинг ўзаро баҳси бошланди. Куннинг биринчи ярмида мухлислар мазкур вазн тоифасидаги беллашувларнинг ярим финалигача бўлган жараёнларга гувоҳ бўлишди. Ниҳоят навбатдаги халқаро турнир ғолиблари бирин-кетин маълум бўлди. 66 кг. вазн тоифасида кураш олиб борган спортчилар орасида ҳамюртимиз Шарофиддин Лутфуллаев барча рақибларини енгиб, биринчи ўрин соҳибига айланди. Иккинчи ўринни қозоғистонлик полвон Ирискул Абдурасулов эгаллади. Учинчи ўринлар Хитой тайпейилик Таифиао Ченг Чан ва Таиланд вакили Сонгвут Кайвпинга насиб этди. 81 кг. вазнли полвонлар орасида термизлик полвон Бекзод Тўрабоев финал беллашувида қозоғистонлик полвон Ўлжас Кенехановустидан ғалабага эришиб, турнирнинг ушбу вазндаги чемпионига айланди.

Мутлақ вазн бўйича курашни мухлислар ҳар гал ўзгача иштиёқ билан кузатишади. Кун давомидаги узоқ курашлардан сўнг Вьетнам, Эрон, Исроил, Ҳиндистон, Россия, Тожикистон, Жанубий Корея Ўзбекистон сингари давлатлардан даъвогарлик қилган полвонлар орасидан кучли учлик маълум бўлди. Унга кўра, финалда ҳамюртимиз, сурхондарёлик полвон Самижон Убайдуллаев тожикистонлик Парвиз Собировнинг курагини ерга теккизиб, турнирнинг мутлақ чемпиони, Ўзбекистон Республикаси Президенти совринини қўлга киритди. П.Собировга эса иккинчи ўрин насиб этди. Учинчи ўринларни россиялик полвон Владимир Трусов ҳамда эронлик Хосравинижат Саид эгаллади.

***Чан Кай ФЕНГ, кураш мураббийи (Хитой тайпейи):***

— Ўзбекистон — кураш ватани. Бугун ўтказилаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган XI халқаро турнир ҳам бунинг яққол мисолидир. Ажойиб спорт байрамининг кўтаринки руҳ ва юқори савияда ўтаётганига гувоҳ бўлдим. Йилдан-йилга бу спорт турига қизиқувчилар сони кўпаймоқда. Илк маротаба 2005 йил Ўзбекистонга ташриф буюрганимда халқингизнинг очиқ кўнгиллиги ҳамда самимийлиги менга жуда ҳам ёққан. Кейинги ташрифимда эса Ўзбекистонни ўз уйимдек ҳис этиб, юртингиздаги улкан ўзгаришлардан жуда ҳаяжонландим. Тўғрисини айтсам, Хитой тайпейида ёшлар кўпроқ дзюдога қизиқар эди. Кураш спорт тури таъсис этилганидан сўнг кўпгина ёшларимиз унга қизиқиш билдириб, кураш сир-синоатларини мукаммал эгаллаб олдилар. Бунинг натижаси ўлароқ улар жаҳон мусобақаларида кўплаб ютуқларни қўлга киритаётир. Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай ажойиб ва гўзал спорт турига катта эътибор қаратиб, бор куч ва меҳнатини аямаётган ўзбекистонликларга ўз миннатдорлигимни билдираман.

***Рави КАПУР, кураш мураббийи (Ҳиндистон):***

— 10 йилдан буён кураш бўйича мураббий сифатида фаолият юритаман. Ҳиндистонда ҳам 20 мингдан ортиқ йигит-қиз кураш билан мунтазам шуғулланади. Термизга иккинчи марта келишим. Бу ерда мазкур спорт байрамига юксак даражада тайёргарлик кўриш анъанага айланган. Мусобақанинг савияси ва кўлами жуда кенг. Унинг дунё халқларини дўстона муносабат ва ҳамжиҳатликка чорлашига ишонаман.

***Бекзод Тўрабоев, 81 кг. вазнда чемпион, Термиз шаҳри:***

— Биз ёшлар спортга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик туфайли нуфузли беллашувларда ғолибликни қўлга киритаяпмиз. Фурсатдан фойдаланиб, бундай қулай шароитларни яратиб бераётган Юртбошимизга чуқур миннатдорчилик билдираман. Шу ўринда устозларимга ҳам раҳмат айтмоқчиман. Якунига етган навбатдаги халқаро турнир жуда чиройли ташкиллаштирилди. Янги-янги чемпионлар кашф этилди. Мусобақада иштирок этган меҳмон полвонларнинг курашимизни жуда яхши ўрганганини кўриб хурсанд бўлдик. Насиб этса, албатта, миллий спорт туримиз Олимпия ўйинлари дастуридан ҳам жой олади ва биз полвонлар ўшанда юртимиз байроғини янада баландроқ кўтаришга ўз ҳиссамизни қўшамиз. Бунинг учун бугун мамлакатимизда барча шароитлар ҳам, имкониятлар ҳам етарли.

**Шерзод ҚУРБОНОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

## РИВОЯТ

# Доноликнинг тўрт тоифаси

Сюн-цзи доноликни тўрт тоифага ажратади.

1. Хизматкорнинг донолиги: чаққонлик, топқирлик, ақл-фаросат билан йўғрилган, аммо изчилликдан холи нутқ; ҳеч кимга кераги бўлмаган илм билан шуғулланиш.
2. Қув одамнинг донолиги: иккиюзламачилик, муомаланинг барча тамойилларини бузиш; ҳар бир ишда хатога йўл қўйиш.
3. Маърифатли одамнинг донолиги: оз, тўғри ва қисқа сўзлаш, фикрларни мисоли ипга тизгандек тартиб билан баён этиш; ўзини тута билиш.
4. Комил инсоннинг донолиги: нутқдаги изчиллик, бирорта ҳодисанинг сабаблари хусусида бир неча кунлаб мушоҳада юритиш, уларга ҳар тарафлама ёндашиш ва шунинг баробарида изчилликни сақлаб қолиш.

## ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

# Ўрик — юрак малҳами

**Юртимизда ўсувчи энг қадимий мевали экинлардан бири ўрик 3-4 йил деганда ҳосилга киради. У эрта муддатда пишиши, ширин таъми туфайли кўпчиликка хуш ёқади.**



Ўрик дарахти узоқ яшайди. Ҳатто, 50-70 ёшида ҳам яхши ҳосил беради. Маҳаллий ўрик меваларн таркибида 23-25 фоизгача қанд, минерал тузлар, микроэлементлар, органик кислоталар, пектин моддалари, витаминлардан $B_1$, $B_2$, PP, ва айниқса A, C мавжуд бўлиб, юқори таъм, диетик ва шифобахшлик хусусиятига эга. Абу Али ибн Сино ўрик меваси ва елимини ошқозон ичак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга жигар, талоқ иши бузилганда, қон таркибини яхшилаш, юрак-қон томир хасталикларининг олдини олишда тавсия этган. У ўрикни турли-туман таомларга солиб истеъмол қилиш, шунингдек, ел ҳайдовчи восита сифатида кеч куздан то эрта баҳоргача шарбат қилиб ичиш лозим эканлиги ҳақида ёзади. Замонавий табобатда ўрик меваларини сийдик ҳайдовчи моддалар ва юрак гликозидларида ичилганда ҳамда миокард инфаркти туфайли пайдо бўладиган аритмияларда истеъмол қилиш тавсия этилади.

## БИЛАСИЗМИ?

Психологларнинг фикрича, сизни кўрганда уялаётганини сездираётган инсонлар сиз ҳақингизда яхши фикрда бўлишади.

* * *

Бир кунда дунё бўйича 237 748 чақалоқ дунёга келади. Ҳар сонияда энг камида 4 та бола туғилади.

## ТУРФА ОЛАМ

# Китлар мавсуми

**ЙИЛНИНГ ИЮНЬ-ДЕКАБРЬ ОЙЛАРИДА ЧУБУТ (АРГЕНТИНА) ПРОВИНЦИЯСИДА КИТЛАРНИ ЯҚИНДАН ТУРИБ КУЗАТИШ МУМКИН.**



Мавсум чоғида бу ерга дунёнинг турли бурчакларидан минглаб сайёҳлар ташриф буюради. Улар нафақат китларни, балки табиатда учрайдиган ноёб жонивор: соҳилбўйида ётган денгиз филлари-ю тюленларни томоша қилиш имкониятига эга. Бироқ, мамлакат жанубига одамлар асосан териси силлиқ китларни кўргани келишади. Бундай китларнинг узунлиги 14 метр, оғирлиги 50 тоннани ташкил қилади. Сентябрь ойидан бошлаб эса мода китлар ўзидан кўпая бошлайди. Айтишларича, ушбу манзара кўпчиликни ҳайратга солиши турган гап.

**Зафар МУҲАММАД тайёрлади**

## Реклама ўрнида

# Қулай бизнес муҳити

### ёш тадбиркорларга қўл келмоқда

MIKROKREDITBANK

***Мамлакатимизда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш, пировардида, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

Бугун нафақат шаҳарларимизда, балки марказдан анча олис бўлган чекка туман, қишлоқ ва овулларда ҳам янги ишлаб чиқариш корхоналари, мини цех ва минитехнологиялар ишга туширилаётгани, шунга мос ҳолда чорвачилик, паррандачиликка ихтисослаштирилган тадбиркорлик субъектлари сони кўпайиб бораётгани ҳам шундан далолат беради. Қолаверса, бу жараёнларда ёшларимизнинг фаол иштирок этаётгани қувонарлидир. Уларнинг ўз бизнесларини амалга оширишларида мамлакатимиздаги йирик банк муассасаларидан бири — "Микрокредитбанк" яқин кўмакчи бўлмоқда.

Бу каби эзгу ишларнинг барчасида молия муассасалари, хусусан, "Микрокредитбанк"нинг ҳам салмоқли улуши бор. Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган анъанавий "BankExpo-2013" кўргазмасида "Микрокредитбанк" фаол иштирок этди. Мазкур кўргазма доирасида ўтказилган танлов натижаларига кўра "Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк" дея эътироф этилди.




Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 5 майдаги Фармони асосида иш бошлаган мазкур молия муассасаси билан боғлиқ бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Гап шундаки, бу муассаса ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган, бугунги кунда меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

Буларнинг самараси ўлароқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технология ва инновацион лойиҳаларни, чекка туманларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари лойиҳалари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган таълим муассасалари битирувчиларини иш билан бандлигини таъминлаш борасида салмоқли натижаларга эришилаяпти.

Данғаралик ёш тадбиркор Абдумутал Эркаев бир неча йил олдин ташландиқ бинода паррандачиликка ихтисослашган "Улуғ орзу оқибат" хусусий корхонасини ташкил этган эди. Бугун ёш тадбиркор эзгу ният билан бошлаган ишининг самарасидан мамнун.

— Тадбиркорлик фаолиятимни бошлаганимдан буён банк ходимлари доимо қўллаб-қувватлаб келишмоқда. Паррандачиликка қизиқишим юқори эди. "Микрокредитбанк"нинг 4 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланиб, Германиядан келтирилган 2500 та "Ломан-браун" зотли товуқ жўжаларини парваришлай бошладим. Бунинг натижасида ишларимиз анча юришиб кетди. Ҳозир туманимиз аҳолисига ҳар ойда 40-45 минг дона тухум етказиб бераяпмиз. "Микрокредитбанк" мижозларининг кўплиги, аввало, унга бўлган ишонч ва тадбиркорларга берилаётган кредитларнинг кам фоизлиги ҳамда банк ходимларининг хушмуомалалигида деб биламан. Келгусида банк билан ҳамкорликда бундан-да катта ишларни амалга оширишни режалаштириб турибман. Етти хазинанинг бири — паррандачилик билан бошлаган ишимни янада кенгайтириб, чорвачиликни ҳам йўлга қўймоқчиман.

Айни пайтда банк томонидан Республика касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларига 3,9 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Яъни, ушбу йўналишдаги белгиланган прогноз кўрсаткичлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 баробарга оширилди.

Бу борадаги ишларни янада жонлантириш мақсадида вилоятлар ўрта махсус касб-ҳунар коллежи таълим бошқармалари билан ҳамкорликда "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Ёш тадбиркор — юртга мададкор", "Менинг бизнес ғоям" лойиҳалари амалга оширилмоқда.

***Ёш тадбиркор ва коллеж битирувчиларини қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар миқдори (млрд. сўмда)***




Умуман, юртдошларимиз ишончини қозонаётган мазкур банк мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, ҳудудларда турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида ёшларимизнинг ишончли молиявий кўмакчиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

**Эркин ДОРИПОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

---

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси партия Мирзачўл туман Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Бахтиёр Камоловга акаси

**Юсуф ҚАРШИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Гулбаҳор Нормуродовага турмуш ўртоғи

**Саидмурод НОРМУРОДОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

---

VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Жалолиддин САФОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулда босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 519, Адади — 10620. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Камолиддин ҲОТАМОВ
**Навбатчи:** Шоҳида ДАМАНОВА
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.50.
***ISSN 2010-7714***
1 2 3 4 5